

Боқий фикр

Она тили —
бу миллатнинг
руҳидир. Ўз тилини
йўқотган ҳар қандай
миллат ўзлигидан
жудо бўлиши
муқаррар.

Ислом КАРИМОВ



Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 18-oktabr, shanba № 84 (8733)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастурининг раҳбари Хелен Кларкни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга таширифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, хусусан, БМТ Тараққиёт дастури билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб, долзарб масалалар, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, унинг изчил ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича амалий ташаббусларни илгари сурмоқда.

Сўхбат чоғида сўнгги 20 йилда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда умумий қиймати 184 миллион АҚШ долларида заёд 211 лойиҳа амалга оширилгани қайд этилди. Жорий йилда Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган кенг қўламли демократик, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга доир ўттиздан ортқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистоннинг иқтисо-

дий ютуқларига, яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш даражаси кейинги 10 йил давомида йилига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганига юксак баҳо берди.

Хелен Кларк Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош котиби Пан Ги Мун номидан шу йил октябрь ойининг охирида Урганч шаҳрида бўлиб ўтадиган «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференцияни қўллаб-қувватлашини билдирди. Ушбу халқаро анжуман Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилаётган Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган ва БМТ Бош ассамблеясининг 68-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»ни амалга ошириш доирасида ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА



Maktabga e'tibor — kelajakka e'tibor

БИР ЙЎЛА ИККИ ЯНГИ ИМОРАТ

Бешовул ва Кудуқ қишлоғилик ўқувчиларга тортиқ этилди

Бешовул — «Ровот» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли тоғли қишлоқ. Бундан ўн бир йил муқаддам бу сўлим гўшада қишлоқ аҳли ҳашар йўли билан мактаб биносини барпо қилган эди. Пахса девордан тикланган синфхоналар тор бўлиб, замонавий талабларга жавоб бермасди. Ўғил-қизларининг кўнгилдагидек билим ололмаётгани бешовулликларни ўйлантирар, янги мактаб қуриб берилишини орзиқиб кутардилар. Шу ўқув йилида қишлоқ аҳлининг бу орзуси рўёбга чикди.

2014 йилги Инвестиция дастури асосида Бешовул қишлоғидаги 56-умумтаълим мактаби учун 60 ўринли, муассасанинг Кудуқ қишлоғидаги филиали учун 40 ўринли — жами 100 ўринли иккита янги бино қуриб берилди. «Макс-гранд» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари иморатларни тез фурсатларда фойдаланишга топширди. Натижада янги ўқув йилини ўқувчилар замонавий мактабнинг шинам ва чароғон синфхоналарида қарши олди.

(Давоми 2-бетда.)

21-oktabr — O'zbekiston Respublikasining
"Davlat tili haqida"gi qonuni qabul qilingan kun

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЧОРАК АСР

Имкониятлар эшиги

Жамият қонунлари табиат қонунлари каби объектив ва мутлақ. Улар айрим шахсларнинг хоҳиш-иродасига бўйсунмайди. Лекин жамият қонунларини ўрганиш, улардан амалий фойдаланиш, яъни объектив ижтимоий қонуниятларга бўйсунуш орқали қонунларни бошқариш улкан самара беради. Қонун қонуниятларга таянса, яшовчан ва тараққийпарвар бўлади.

Ижтимоий қонунларнинг ҳам, табиат қонунларининг ҳам пировард-натижаси муайян тараққиёт ва самарадорликдир.

Ўзлгимизни англашда қутлуг қадамлардан бири бўлган ва қабул қилинганнинг чорак асри нишонланаётган "Давлат тили

ҳақида"ги қонуннинг ўтган даврда берган улкан натижалари ва самарасини тафаккур чиғиригидан ўтказсак, уларни бемалол асрларга татиғулик ютуқлар деб айтиш мумкин. Дарҳақиқат, бу Қонун миллатимиз кўрки, маънавий-маданий ҳазинаси бўлган она тилимизни ҳақорат ботқоғидан, "оила тили" даражасидан жаҳон минбарига жаранг-лайдиган, унда битилган Давлат мадҳияси эса халқаро расмий маросимларда янграйдиган, интернет вебсайтларини безайдиган тил, уни ривожланган давлатларнинг мутахассислари ўз ихтиёрлари билан қизиқиб ўрганадиган ранг-баранг бойликлар ҳазинасининг калити даражасига кўтарди.

(Давоми 8—9-бетларда.)

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари раислари учун семинар бўлиб ўтди.

Унда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ходимлари, миллий экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар сайлов комиссиялари раисларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий риоя этиш тўғрисида хабардорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти вакиллик

Saylov — 2014

органларига сайлов миллий сайлов қонунчилиги, унда мустаҳкамланган очиклик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига, шунингдек, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъкидлади.

Семинар иштирокчиларига ўтган даврда мазкур дастурга биноан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Бўлажак сайлов миллий сайлов тизими ва жамиятимизни изчиллик билан либераллаштириш ва демократлаштириш давомида яратилган янги шароитда ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда.)

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИ УЧУН СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу жараён Президенти-миз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш билан ўзвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига депутатлар сайлови бўйича сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик принциплар, амалдаги қонунчилик норма ва қоидаларига асосан адолатли, очиқ ва ошқора ўтказишни таъминлашдан иборат экани таъкидланди. Комиссиялар ўз фаолиятида сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг миллий қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши, барча даражадаги сайлов комиссияларининг мустақиллигини ва ўз фаолиятини қонунга мувофиқ амалга оширишини таъминлаш каби муҳим масалаларга ҳамisha эътибор қаратиши лозим.

Семинарда "Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти", "Округ ва вилоят сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ долзарб вазифалари", "Матбуот марказларининг сайлов кампаниясини тезкор ва ишончли ёритиш бўйича вазифалари", "Сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг халқаро стандартлари", "Округ ва участка сайлов комиссиялари ўртасида маблағларни тақсимлаш ва молиявий тартибни назорат қилиш", "Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш масалалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайло-

вига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbirlar дастурида замонaviй демократик талаблар инобатга олинган ҳолда, сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчиларининг муҳим вазифалари белгилангани ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, аynи пайтда сайлов қонунчилиги қоидалари ва унга қиритилган ўзгаришларни фуқароларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабардорлигини ошириш ишлари амалга оширилмоқда.

Баҳс-мунозаралар чоғида сайлов комиссиялари раислари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олди.

— Бўлажак сайлов жамиятимизни янада демократлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлади, — дейди 74-Денов округ сайлов комиссияси раиси Бахтиёр Эшнйёзов (Сурхондарё вилояти). — Сайловни юксак савидада ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклаган. Мазкур семинарда иштирок этиб, биз округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш, участка сайлов комиссиялари ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик принципларига риоя этиш бўйича барча талаблар билан танишдик. Шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини мундарижларини тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш ҳамда бошқа кўплаб масалалар бўйича ўз малакамизни оширдик. Буларнинг барчаси бизга сайловга қонунчилик ва демократия принципларига тўла мувофиқ равишда тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир ишларни ташкил этишга ёрдам беради.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

САЙЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШДА ОАВнинг РОЛИ

Пойтахтимиздаги «Shodlik Palace» меҳмонхонаси мажлислар залида «Сайловларни ўтказишда ОАВнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли демократик жамиятни барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш" қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур тadbирда журналистлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишига оид қонунчилик босқич-ма-босқич такомиллаштирилиб, унда оммавий ахборот воситаларининг бевосита ва билвосита иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Агар 1994 йилда давлат вакиллик ҳокимияти органлари сайловларни 475 ОАВ, шу жумладан, 3 нодавлат электрон нашр ёритган бўлса, 2009 йилдаги парламент сайловларини ёритишда 200дан зиёд хорижий ва 500дан ортиқ маҳаллий давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари иштирок этган. Бундан ташқари, сайлов кампанияси босқичлари ҳақидаги ахборотлар Миллий телерадиокомпания томонидан нафақат Ўзбекистон ҳудудига, балки сунъий йўлдош орқали 100дан зиёд мамлакатга узатилган.

2014 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов кампаниясини ёритиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, сайлов жараёнининг барча босқичларида очиқлик, очиқлик ва шаффофликни, ОАВ орқали жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида ҳолисона ва ўз вақтида хабардор қилишни таъминлаш мақсадида Республика матбуот маркази ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-

лов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ёритиш тўғрисида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда «Жаҳон» ахборот агентлиги билан битимлар имзоланди.

Таъкидлаш ўринлики, сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишнинг ҳуқуқий қафоллари сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг 6-моддаси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошқоралик масаласига бағишланган бўлми, унда оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши белгиланган. Хусусан, "Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тadbirlarda, шунингдек, сайлов кўни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар" дея қайд этилган. Сайлов қонунчилигига мувофиқ, сайлов кўни оммавий ахборот воситалари ходимлари учун сайловнинг қандай бораётгани, унда фуқароларнинг фаоллиги сингари масалаларга бағишланган брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилади. Шу мақсадда бугунги кунда сайловчиларга сайлов қонунчилиги меъёрларини кенг тушунтириш, миллий сайлага тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, сайловчиларни мамлакат ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориш ишларини ташкил этиш учун журналистларга зарур шароитлар яратилган.

Давра суҳбатида сайлов жараёнида кузатувчилар институти фаолият юритиши ва унинг ОАВ билан ўзаро алоқалари, сайлов кампаниясида PR-механизмларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ОАВнинг Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги сайловчилар билан ўзаро алоқалари тартибига доир масалалар иштирокчилар эътиборида бўлди.

Бугунги кунда Марказий сайлов комиссиясининг марказий, ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари билан сайловга тайёргарлик ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш ва тарқатиш борасида ўзаро фаол ҳамкорлик механизми йўлга қўйилди. Сайлов комиссияларининг барча тadbirlари, шу жумладан, Марказий сайлов комиссияси мажлислари ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилиши қатъий белгиланган. Ушбу жараёнда аҳолига сайлов қоидаларини тушунтирувчи, сиёсий партиялар билан таъинирувчи мавзуга доир телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, ахборот роликлари эфирга мунтазам равишда узатилишига катта эътибор қаратилади. Шунингдек, сайлов жараёни босма ва интернет нашрларида ҳам фаол ёритиб борилади. Бу каби чора-тadbirlар сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун ОАВдан фойдаланишда тенг шароитларни таъминлаш билан бирга, оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, сайловларнинг транспарентлиги, миллий сайлов қонунчилигimizда мустаҳкамланган демократик тамойиллар — очиқлик ва адолатlilik асосида ўттиш кўп жиҳатдан ОАВ фаолиятига боғлиқ.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, мамлакатимиз ОАВлари фуқароларнинг 2014 йил декабрь ойида ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид жараёнларнинг барча босқичлари ҳақидаги умумий хабардорлигини таъминлашнинг муҳим бўлинига айланади.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

БИР ЙЎЛА ИККИ ЯНГИ ИМОРАТ

Бешовул ва Кудуқ қишлоғилик ўқувчиларга тортиқ этилди



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янгидан қад ростлаган таълим масканида 30 ўқитувчи 85 ўқувчига таълим-тарбия бера-

ди. Ҳар йили жамоа сафига ёш ўқитувчилар қўшилаётгани таълим сифатини ошириш баъоридида педагоглар ўртасида соғлом рақобат муҳитини ҳам

ривожлантиришмоқда. Жиззах давлат педагогика институти битириб, шу ўқув йилидан педагогик фаолиятини бошлаган Раҳматилла Ғойбов ҳам шундай ёшлардан. Ёш муаллим жамоанинг аҳиллиги, илғор педагогларнинг эътибори ва тажрибаларини ўртоқлашишдаги гамхўрлигидан бениҳоя мамнун.

— Бугун кўплаб чекка қишлоқларда ҳам замонaviй мактаблар қад ростлаплати, — дейди ёш педагог. — Юртимизда

ёш авлоднинг билим олиши учун барча шарт-шароит муҳайё. Бундан нафақат ўқувчи-педагоглар, балки ота-оналарнинг ҳам қувончи чекисиз. Замонаviй ўқув-лаборатория жиҳозлари, компьютер технологиялари ҳамда синфхоналар янги доска ва парталар билан таъминланди.

Мақтаб директори Низом Жумаевнинг айтишича, фарзандлар тарбиясига давлатимиз томонидан кўрсатилган бундай эътибордан қишлоқ-


ликлар беҳад миннатдор. Янги иморатлар қирилгани таълим-тарбия сифатини яна бир поғонага кўтариб, келгусида ўқувчиларни фан олимпиадалари, билимлар беллашувлари ва турли танловларда фаол қатнашиб, улкан муваффақиятлар қозонишга ундайди.

Абдусаттор СОДИКОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Ботир КУДРАТОВ
олган суратлар.

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”. Президентимиз томонидан айтилган бу фикр ҳар бир ота-онанинг энг эзгу орзуси, олий мақсадига айланган. Айни шу дастуриламал фикр замирида юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва касбий тайёргарликка эга бўлган ёшларни вояга етказиш вазифаси ётганини, бунда таълим муассасаларида меҳнат қилаётган педагог ходимларнинг ўрни алоҳидалиги, касбий билим ва кўникмалари муҳим аҳамият касб этишини яққол ҳис қиласиз. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай ла-возимда ишласин, мактаб даргоҳида олган таълим таълим-бияси унинг етуқ шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз”.



Qaror va ijro

алоҳида йўналиш сифатида белгилангани диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, қарорда малака оширишда инсон омили, инсон капиталидан самарали фойдаланиш ма-сасаларига алоҳида урғу берилган. Бу эса халқ таълими ходимлари малакаси-ни ошириш тизimini “Ус-тоз-шогирд” усули асосида индивидуаллаштиришда яққол намоён бўлади. Бунда мамлакатимизда илмий ва педагогик жамоатчилик ўртасида ўзининг юқори натижалари, рақобатбар-дош кадрлар тайёрлаш бўйича ўз мактабини ярат-ган юқори малакали педа-гог-устозлар таълим муас-сасаси томонидан танлов асосида тайинланади. Пе-дагог кадрлар уларнинг бе-восита раҳбарлиги остида тегишли фанлар бўйича малакаларини мақсадли оширади.

Эндиликда малака оши-риш жараёнида соҳага доир янги, илғор шакл ва усул-ларни жорий этиш, замона-вий ахборот ва педагогик технологияларнинг амали-ётда қўлланилишини таъ-минлаш, шунинг баробари-да мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқ-ларни мунтазам равишда ўрганиб бориш, оммалаш-тириш — энг долзарб вази-фалар сирасига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарориди белгиланган вазифаларнинг ўз мudda-тида ва тўлиқ амалга ошири-лиши натижасида тизимда-ги барча малака ошириш таълим муассасаларининг моддий-техник базаси за-мон талаблари даражасида мустаҳкамланади. Халқ таъ-лими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг мала-касини ошириш институт-лари малакали кадрлар бил-ан таъминланади. Қатор таълим муассасаларида ўзини оқлаган ўқитишнинг блок-модулли шакли тизим таркибига кирувчи барча таълим муассасаларида жо-рий этилади.

Бир сўз билан айтганда, биз учун дастуриламал ва-зифасини ўтайдиган ушбу қарор халқ таълими ходим-ларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-риш муассасаларида таъ-лим-тарбия сифатини янги босқичга кўтариш бароба-рида халқ таълими муас-сасаларида меҳнат қилаётган педагог ходимларнинг кас-бий билим ва кўникмалари, компетентлилик даража-ларини оширади. Пировард натижада ўғил-қизларимиз-нинг етуқ шахс ва малакали мутахассис бўлиб етишиш-ларида улкан аҳамият касб этади.

Мақсуджон Юлдашев,
А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ректори

Малака ошириш:

ТИЗИМНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Айтиш жоизки, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи ҳукума-тимизнинг доимий эътибо-рида турибди. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Халқ таъли-ми ходимларини қайта тай-ёрлаш ва уларнинг малака-сини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори бунга яққол мисол бўла олади. Қарор-нинг моҳияти унинг номида акс этган бўлиб, у педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг айрим жиҳатларига эмас, бутун тизimini янада тако-миллаштиришга қаратилган билан ҳам аҳамиятли-дир. Чунончи, унда ушбу ти-зимнинг барча таркибий қисмлари — қайта тайёр-лаш ва малака оширишнинг тур ва шакллари, давлат та-лаблари, ўқув юкнамалари, даврийлиги ва бошқа жи-ҳатлари, хусусан, педагог кадрлар касбий маҳорати-ни ошириш тизimini яна-да такомиллаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари белгилаб берилди. Ушбу қарор асосида 2015–2018 йилларда Халқ таълими хо-димларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассаса-ларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда ушбу тизимда таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш дастури тасдиқ-ланди. Унга кўра, 16та қайта тайёрлаш ва малака оши-риш таълим муассасалари-да қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари учун 49,6 млрд сўм, мебель, замонавий ўқув-ла-боратория асбоб-ускуналар-и, компьютер техникалари, техник воситалар ва спорт жиҳозлари учун 14,6 млрд сўм маблағ ажратиш мўл-жалланапти.

Албатта, кучли моддий-техник база, шунга мос ўқув-услубий таъминотни



тақозо қилади. Шу маънода ўқув-услубий таъминотни замон талаблари даражаси-да, мунтазам янгиланб бо-риш, институтларни мала-кали кадрлар билан таъ-минлаш, уларнинг илмий салоҳиятини муттасил оши-риб бориш, мавжуд меъё-рий-ҳуқуқий базани тако-миллаштириш диққат мар-казимизда бўлади. Булар-нинг барчаси халқ таъли-ми ходимларини қайта тай-ёрлаш ва уларнинг малака-сини оширишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш-га хизмат қилади.

Бугунги замон ўқитувчи-сида юксак касбий лаёқат, педагогик маҳорат, нотик-лик, мустақил фикр, юксак маънавият, илғор педаго-гик ва ахборот технология-лари, Интернет глобал тар-моғи билан ишлаш кўник-малари мужассам бўлиш талаб этилмоқда. Қарор билан тасдиқланган низом-да педагогик компетентли-книнг ушбу жиҳатларини таъминлаш, жумладан, ўқув-тарбиявий ва маъна-вий-ахлоқий ишларни амалга ошириш, назорат қилиш ва таълим олувчилар билимларини холисона ба-ҳолаш кўникмаларини мус-таҳкамлаш, тингловчилар-нинг ташаббускорлигини, илмий тадқиқотларга инти-лишини ва ижодий маҳо-ратини рағбатлантириш масалалари алоҳида вази-фалар сифатида қайд этил-гани эътиборлидир.

Шунингдек, қарор асоси-да мазкур тизим таркибига кирувчи таълим муассаса-лари ташкилий тузилмала-рининг тасдиқланиши ти-зимда малака ошириш жа-раёнини ягона ёндашув асосида сифатли ташкил этиш имкониятини беради. Қарорда бугунги кун талаб-ларидан келиб чиқиб, мала-ка оширишнинг замонавий шакллари жорий этиш назарда тутилгани аҳами-ятлидир. Яъни, халқ таъли-ми ходимлари малакасини оширишнинг бта тўғридан-тўғри шакли қўлланилиши белгилаб берилди. Халқ таълими ходимлари мала-ка оширишнинг ўзи учун мақбул шаклини танлаш имконига эга. Бу эса тинг-ловчиларга малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (ин-ститутда, марказда); базавий таълим муассасасида; “Ус-тоз-шогирд” усули бўйича таълим муассасасида; мус-тақил ўқиб ўз билимини орттириш; масофадан ту-риб ўз малакасини оши-риш; стажировка (таълим муассасаларида, таълим-нинг бошқарув органлари-да, хорижда) тажриба ор-тириш имкониятларини яратади. Бу бугунги замон талабларига мос жиддий янгилик бўлиб, малака оши-риш шакллари бойитади, самарадорлигини янада оширади.

Хориж тажрибасига на-зар ташлайдиган бўлсак,

аксарият ривожланган дав-латларда малака ошириш инновацион технологиялар асосида олиб борилади. Бунини малака оширишнинг тўғридан-тўғри шакллари мисолида кўриш мумкин. Бу усул соҳа ходимининг ўз иш жойидан тўла ёки қисман акралган ҳолда малака оши-риш муассасасида таълим олишига имкон беради. Яъни, ходим малака оши-риш жараёни даврида 50 фоиз вақтини малака оши-риш муассасасида, қолган 50 фоиз вақтини эса иш жойида ўтказиб, мустақил тайёрланишни амалга оши-ради. Шунингдек, малака ошириш 25 фоиз бевосита малака ошириш муассаса-сида, 75 фоиз вақт давоми-да ходимнинг иш жойида мустақил тайёрланиш йўли билан амалга оширилиши ҳам мумкин. Албатта, бунда маълумотларни узатишнинг замонавий ахборот-комму-никация воситалари ва мах-сус виртуал курсларнинг мавжудлиги асқотади.

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, янги дарслик ёки ўқув қўлланма-ни ёзиб тугатаётган, замо-навий педагогик ахборот технологияларини ишлаб чиқиб, ўқув-тарбия жараё-нига жорий этиш арафаси-да турган, ўз фани, йўнали-ши бўйича монография, диссертация ва ҳоказолар-ни ёзаётган педагог ходим-ларга уларни тугаллаши учун ижодий таътил берили-ши белгилаб қўйилган. Бу эса ижодкор педагогларни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш, рағбатланти-риш имконини беради.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашда масофавий таълим шаклини қўллаш ижобий натижаларни бери-ши тайин. Шу маънода ма-лака ошириш курсларининг тўла дастури ва қайта тай-ёрлаш курслари дастури-нинг муайян қисмини масо-фавий таълимдан фойдала-ниб ташкил этиш қарорда

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Наманганда "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — баркамол авлод таянчи: амалий ишлар, таклифлар, тавсиялар" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлими, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситаларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритиш бўйича салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Семинарда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, бирламчи тиббий-профилактика кўриги қамровини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқот-тушунтириш ишлари олиб боришнинг замонавий, оммабоп ва таъсирчан усуллари ҳусусида фикр алмашилди.

❖ Тошкентда "Мамлакатни модернизация қилиш ва қучли демократик жамиятни барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг қўшма лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ахборот хизмати ходимлари, марказий ва ҳудудий босма нашрлар журналистлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда масс-медиянинг фаол иштирокини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ва Президентимизнинг 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди белгилаб берилган ахборот соҳасида оид вазифаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга доир тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

❖ Андижонда "Биз терроризмга қаршимиз" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қaratилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Андижон давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

— Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги глобализация даврида экстремизм, терроризм, "оммавий маданият" каби турли иллатлар инсоният тақдирига жиддий ҳавф солмоқда, — дейди "Адолат" социал-демократик партияси Андижон вилояти кенгаши раиси Алишер Шодмонов. — Айни тадбирни ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам фарзандларимизни ана шу таҳдидлардан асраш, улар ўртасида тушунириш ва тарғибот ишларини янада қучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида фикр алмашилди.

❖ Фарғонада "Фарзанд табассуми — оила қувончи" деб номланган хайрия акцияси бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида икки юздан зиёд бемор бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, юз нафари пластик операция қилинди.

Давлат дастурининг 49-бандига мувофиқ, болаларни республика клиникалари ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, юқори лаб ва қаттиқ танглай, бўйин қийшайиши, оёқдаги туғма нуқсонлар ва ортопедик касалликларга чалинган ҳамда юрак етимиовчилиги билан тутилган ва сурункали остеомиелит билан касалланган болаларни даволаш, қуйиш асоратлари бўлган болаларни пластик операция қилиш кўзда тутилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда давлат муассасалари билан бирга нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Соғлом аллоҳ учун" халқаро хайрия фонди ҳам фаол иштирок этаётди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом аллоҳ учун" халқаро хайрия фонди ҳамда Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги (TIKA) ҳамкорлигида ўтказилган хайрия акцияси худди шу мақсадга қaratилган.

Акция доирасида Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон ва туркиялик шифокорлар юқори лаб ва қаттиқ танглай, юз-жағида туғма нуқсон бўлган бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказди. Кўрик натижаларига кўра оғир деб топилган бемор болалар жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Фестивалда фаол ёшлар сараланди

Саҳнада ёш ўғил-қизлар Ватанини мадҳ этувчи кўшиқ айтиб, рақсга тушмоқда. Уларнинг шодлиғи иқтидорини кўриб кўнгил қувнайди. Ўқувчиларнинг ҳар бир чиқишини томошабинлар олқишлаб турди...

Ўзбекистон давлат консерваториясида, Халқ таълими вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Қамалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Қамалак юлдузлари — 2014" болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда пойтахт туманларидан сараланган 410 нафар ўғил-қиз республика босқичига чиқиш учун ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.

Фестиваль катнашчилари миллий ва академик ижро, эстрада, фольклор ва хор ғруҳлари, фортепиано, торли-қамонли, дамли ва зарбали қолғу асбоблари, хореография, тасвирий ва амалий санъ

ат, наср ва назм каби йўналишлар бўйича ўзаро беллашдилар.

— Кичиклигимдан мусиқага қизиқаман, — дейди фортепиано йўналиши ғолиби Жаннат Хусайнзода. — Жаҳон мусиқа намоёндалари Бетховен, Шопен, Бах, бастакорларимиздан



Хасан МҲМИНОВ, "Ma'rifat" мухбири

Норинлик ўқувчиларга туҳфа

Наманган вилояти Норин туманидаги 900 ўринга мўлжалланган "Баркамол авлод" болалар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ҳаққулобод шаҳрида 1 миллиард 37 миллион сўмлик маблаг эвазига бунёд этилган янги бионинг очилишига бағишланган тадбирда мазкур марказ ўқувчи-ёшлар истеъдодини аниқлаб, сайқал топтириш, касбга йўналтириш ҳамда мактаб таълимини мазмунан бойитишга хизмат қилиши таъкидланди. Тадбирда бир ғуруҳ илгор ва ташаббускор пе-

дагогларга Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Бу масканда фойлат кўрсатаётган 30та яқин тўғаракада ўқувчининг ўз қизиқиши бўйича турли касб-хунар сирларини пухта ўрганиб, қобилият ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шaroит ва имконият муҳайё, — дейди марказ директори Абдукарим Мавлонов. — Моддий-техник базамиз мустаҳкамланди, қуқиш мавсумида муаммо бўлмайдми. Янги бино норинлик ўқувчилар учун муносиб туҳфа бўлди.

Ғанишер АҚБАРОВ, "Ma'rifat" мухбири

Туризм ривожини йўлида

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида "Халқаро туризм санатининг замонавий жиҳатлари ва Ўзбекистонда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда туризм соҳасидаги мутахассислар, юртимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда юртимизда соҳани ривожлантириш учун амалга оширилаётган лойиҳалар, хорижий мамлакатларнинг туризмини ривожлантириш бўйича тажрибаларини ўрганиш ва татбиқ этишда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам бир қатор мазмундор тингланди. Ўзбекистонда ту-

ризмни, айниқса, тарихий туризмни ривожлантириш истикболли экани, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлардаги тарихий обидалар барчага ҳайратта қолдириш ва татбиқ этишда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида сўз борди. Шунингдек, туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам бир қатор мазмундор тингланди. Ўзбекистонда ту-

— Мен «Ўзбекистонда дентал-

(тиббий туризмнинг бир тури) туризм» мавзусида маъруза қилдим, — дейди конференция иштирокчиси Қўблжон Юнусов. — Тақдиримда мавзу бўйича аниқ таклифлар беришга ҳаракат қилдим. Бундан ташқари, анжуманда электрон туризм имкониятлари, жойлардаги қадимий ёдгорликлардан туристик манба сифатида фойдаланиш масалалари, агротуризм, эко-туризм тараққиёти, халқаро туризмнинг миллий иқтисодий ривожидида ўрни каби мавзуларда ҳам фикр алмашилди.

Конференциянинг иккинчи кунги мунозаралар шўъбаларга бўлинган ҳолда давом эттирилди.

Санобар ЖУМАНОВА

Ўқувчини фаоллаштириш

Ўқитувчи маҳоратига боғлиқ

Қиёрай туманидаги 14-мактабда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари учун "Маҳорат мактаби"да ўқувчиларнинг билим сифатини ва фан ўқитувчилари маҳоратини ошириш" мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган йиғилишда таълим жараёнидаги янгиликлардан педагоглارни ўз вақтида хабардор этиб бориш ёш авлодини баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил экани қайд этилди.

Айни пайтда вилоят педагоглари "Ўрган — ўргат", "Соғлом муҳит — соғлом жамоа", "Дарс — муқаддас" методик тавсияларидан самарали фойдаланиб, таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг билим, кўникма ва малакасини мунтазам ошириш-

да, табиийки, бу каби семинарларнинг аҳамияти катта. Семинарда иштирокчилар ноанъанавий усулларда дарс ўтиш тажрибаларини амалий машғулотлар орқали кўрсатди.

Тадбирда, шунингдек, "Электрон доскадан фойдаланиш усуллари", "Таълим жараёнини фаоллаштиришда интерфасул усулларини ўрни" мавзуларида тренинг машғулотлари ўтказилиб, фан ўқитувчиларининг дарсини янги педтехнологиялар асосида ташкил этиш орқали ўқувчилар фойлигини таъминлаш, билим ва дунёқарабини кенгайтиришга оид маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Неъматулла ҒУЛБОЕВ,
Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти

Бир ойда икки ютуқ

бизни янада фаол бўлишга ундайди

Мақтабимизда ҳар ойнинг "Энг фаол синф"и ва "Энг фаол ўқувчи"сини аниқлаш аънанаси йўлга қўйилган. Танлов ҳар ой якунида ўтказилиб, ғолиб синф ва ўқувчи мактабимиз "Фаоллар доскаси"да сурати билан эълон қилинади ва эътироф этилади.

Сентябрь ойининг энг фаоллар юқори ва бошланғич синф ўқувчилари орасидан аниқланди. 3-"А" синф ўтган ойдаги "Энг фаол бошланғич синф" сифатида эътироф этилган бўлса, бизнинг 9-"А" синф "Энг фаол юқори синф" деб топилди. "Энг фаол

бошланғич синф ўқувчиси" 4-"Б" синфда ўқийётган Маҳди Меҳдиева бўлди. Мен эса "Энг фаол юқори синф ўқувчиси" деган эътирофга сазовор бўлдим. Сафлашим чоғида фахрий ёрлик билан тақдирландик. Бир ойдаги икки ютуқдан синф раҳбаримиз

Марғуба Ғафурова ва синфдошлар жуда хурсанд бўлди.

Бу ютуқ замирида тенгдошларимнинг билим олишга иштиёқи, аъло ўқиши, жамоат ишларидида фаол иштироки, намунали тартиб-интизомимиз муҳассам. Бундай эътирофга лойиқ бўлиш учун янада фаолроқ ҳаракат қиламиз.

Шоҳсанам САЙДУЛЛАЕВА,
Чилонзор туманидаги 181-умумтаълим мактаби ўқувчиси

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)

ЁТ ҲОЯЛАР — МАЪНАВИЯТИМИЗ ЗАВОЛИ

...Муроджон ота-онасининг Яратгандан тилаб олган ёлғиз муроди эди. У зиёли оиланинг фарзанди бўлгани боис мактабда «аъло» баҳоларга ўқирди. Мактабдан қайтгач дарс тайёрлар, сўнг уй ишларига қарашарди. Саккизинчи синфга ўтганида уларнинг синфига янги ўқувчи келди. Муроджонни бу боланинг бошқаларникига ўхшамаган «яшаш тарзи» ўзига тортди. У ёш бўлишига қарамай, хориж урфига монанд кийимлар, ажнабий мусикаларни тинглаши, интернет-кафеда кунни кеч қилишни яхши кўрарди. Муроджонга ўз турмуш тарзидан узоқроқ бўлган бу одатлар ёқиб қолди.

Ўспирин энди ўқиш ва уй ишларидан ўзини олиб қочадиган, уйига кечроқ қайтадиган, тез-тез пул сўрайдиган бўлди. Онаси буни ака-укаси ўсаётган ўғлининг дўстлари кўпаяётганига йўлди. Дадасининг эътирозларига қарамай, фарзандига ортиқча пул берди, гўё унинг ўртоқлари даврасига яқинроқ бўлишига кўмаклашди. У бу билан боласининг ҳар томонлама камолга етиши учун шароит яратялман, деб ўйлаган эди. Аммо...

Ўғил тунлари саёқ юрадиган бўлди. Сўнг баданига, кўл-оёқларига турли расмлар чиздириб, ғалати кийимларни кийишга одатланди. Бир амалда коллежани тугатгач, ўқишни давом эттиришни ҳам, ишга жойлашишни ҳам истамасди. Бироқ моддий эҳтиёжларни қондириш учун Муроджонга пул зарур эди. Натижада у боши берк кўчага қадам қўйди...

«Оммавий маданият» қутқуси

Хўш, баъзи ёшларнинг бундай муаммолар гирдобига тушиб қолишига сабаб нима? «Оммавий маданият»га асосланган турмуш тарзи уларнинг ҳаётига қандай қилиб кириб келмоқда?

Буни бизнинг асримизга келиб ҳаёт суръатларининг ўта шиддатли ва мураккаб туш олгани, ахборотнинг ақл бовар қилмас даражада тез алмашилиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Бугун айрим кучлар томонидан турли йўللار ва воситалар билан тарғиб этилаётган ахлоқсизлик, фикрсизлик, бир сўз билан айтганда, манкуртлик гўр ёшларни шу тариқа ўз домига тортмоқда.

Ҳа, глобаллашув ҳосиласи бўлган «оммавий маданият» дунё ёшларининг ҳаёт, борлиқ, маданият, санъатга бўлган қарашларини ўзгар-

тириб, дунёқараш ва туйғулари қашшоқлашувига олиб келаётир. Мутахассислар фикрича, бу ҳол ҳозир кич (заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарс ва буюмларга юксак тус бериш), старизм (субъектив эътиросларга берилган ҳолда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, телебонистларнинг илоҳийлаштириш), комикс (тагига қисқа матн ёки лўқмалар битилган беҳаё босма маҳсулотлар), хеппининг (оммавий «кўнғилочар» томошалар уюштириш) ва бошқа қўри-нишларда намоён бўлмоқда. Ушбу таъсирларга берилган инсон ўзининг ноодатий, ғайриахлоқий ҳаракатлари нотўғри эканлигига шубҳа қилмайди ва залолат ботқоғига чўкиб бораверади.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

— «Оммавий маданият» Ғарбда эркинлик ва тенгликни яратишга бўлган эҳтиёж натижасида вуҷудга келган, — дейди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси Отабек Бозоров. — Шу боис у бир кўринишда ўзаро тенглик ва умумийлик тарғиботидек туюлади. Лекин туб моҳиятига эътибор қилинса, бундай ниқоб остидаги ҳаракатлар миллатнинг ўзлигини йўқотиш, аждодалари томонидан асрлар давомида қадрлаб келинаётган муқаддас тушунчалар, урф-одатларга зарба бериш, бошқача айтганда, кишини ўзлигидан жудо қилишга қаратилган.

«Оммавий маданият»нинг яна бир «сирли кучи» соддалик ниқобини юзига тортганидир. Яъни бугун баъзиларга жинси шим, футболка, кроссовка кийиб, елкасига ажнабий халта осиб олса, соддароқ кўринади. Бироқ ушбу «соддалик» тарғиботи ортида кишиларнинг ишга, ўқишга бўлган тўғри муносабатини, тартиб-интизом борасидаги реал тушунчаларни йўққа чиқаришдек яшрин мақсад мужассам. Бойи-си бирор ходим ёки ўқувчининг ўзига хос формаси уларга ишга ва ўқишга бўлган масъулиятни доимо ёдга солиб туради.

— Яқинда ижтимоий тар-

моқдаги профилимига инглизча хабар келди, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Малика Донаева. — Очсам, «замонавий» кийиминишга чорловчи, ҳозир дунё ёшларининг «мода»сига айланган тугуруқсиз кийимлар расмлари реклама қилинган. Уларни осон топиш мумкин бўлган савдо дўконлари манзили, телефон рақамлари кўрсатилган. Муқтақил фикрига эга бўлган инсон бу аноним хабардан тижорат мақсади

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

кўзланганини дарров пайкайди. Хабарда кўрсатилган дўконларнинг бирортаси мамлакатимиз ҳудудига жойлашмаган бўлса-да, тафаккури гўр ёшларда «замонавий» кийимлар шундай экан, деган тушунча ўрнашиб қолишидан хавотирланасан.

Фикрсизлик ва дидсизлик ҳосиласи

Ҳозирги кунда барча соҳада интеграциялашувнинг кучайиши вайронкор ғоялар тарғиботини янада оsonлаштирмоқда. Илгари бирор ғояни бошқаларга сингдириш учун миллионлаб маблағ сарфланган бўлса, бугун уларни истеъмолчиларнинг ўзи сотиб олмақда. Маҳсулот пакетига ёпиштирилган сурат ёки кийимга туширилган ёзувларда акс этган ғоя кимнингдир кундалик ҳамроҳига, сеvimли овунчоғига айланаётир. Албатта, бунда ўзича дид билан кийинган истеъмолчи ёт маданият тарғиботчисига айланганини англамаслиги аниқ. Масалан, баъзи чет эл атари, совун ё шампунидан фойдаланган киши ўзидан таралаётган ҳид инсон ҳиссиётига таъсир этишини кўп ҳам англайвермайди. Бу ахлоқий бузуқликни оммалаштириш ва шу орқали мўмай даромад топишни мўлжаллаётган кучлар учун айнаи мудаодир.

Ҳаётий хуружлар кишиларнинг дидини ўтмаслаштиришга қаратилмоқда. Баъзиларнинг тугуруқсиз ижод маҳсулларини санъат намунаси деб қабул қилаётгани, турли расм ва сўзлар ёпиштирилган товарларни кўр-кўрона харид қилаётгани фикрсизлик ва дидсизлик оқибатидир. Кишида бадиий савиянинг қашшоқлашуви — юксак санъат асарларини тушунмаслик унинг руҳиятини покловчи, иродани мустаҳкамловчи маъно но-зикликларини англамасликини юзага келтиради. Маса-

лан, психологлар мусика юрак уриши ритминини ўзгартиришини, шу боис маком ва классик мусикаларни тингловчилар феъл-атвориди босиқлик, руҳий хотиржамлик қузатилишини, шовқин-суронли куй-қўшиқларга ружу қўйганларда аксинча енгилтабиатлик кўзга ташланишини таъкидлайди.

Ахлоқий бузуқликни тарғиб этиш орқали муқаддас қадриятларимизни ўтмаслаштириш, уларнинг ўрнига иймонсизликни жорий қилишга уринишлар замирида аслида шунчаки ўйин-кулги ва кўнғил очиш билан бог-лиқ «маданият»ни олиб кириш эмас, балки каттароқ, ёвузроқ мақсадлар, миллатни ўзагидан айириб, оломонга айлантириш орқали экспансия қилиш яширинганини ҳамма ҳам, айниқса, гўр ёшлар англаб етавермайди.

Барқарорлик таянчи

Мамлакатимизда ёш авлодни турли зарарли ахборотлардан ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Мустақиллигимизнинг илк кунларида — 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда беҳаёлик, шафқатсизлик ва зўравонлик ҳақида ҳижоа қилувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабаб бўлувчи адабиётларни тарқатиш, фильмларни намойиш этиш таъқиқланган.

«Вояга етмаганлар ўрта-сида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун ола-оналарнинг фарзандлари бўш вақтини назорат қилишдаги масъулиятини кучайтиришга ҳизмат қилмоқда. Жумладан, қонунда болаларнинг тунги вақтда оммавий кўнғилочар жойларда назоратсиз ҳозир бўлишига йўл қўйганлиги учун нафақат ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс, балки кўнғилочар маскан раҳбарига ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ёшларнинг ахлоқий бузуқликни тарғиб этувчи сайт-

ларга киришининг олдини олиш мақсадида интернет клублардаги компьютерларга махсус таъқиқловчи дастурлар ўрнатилмоқда. Бунда барча хабарлар автоматик тарзда филтрланади ёки бола ўзи қизиқиб ноҳўя ахборотни олмақчи бўлганида автоматик таъқиқ ишга тушади. Айни пайтда мазкур дастурлар ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатлай олмайди, чунки баъзида улар фойдали ахборотни чеклаб қўйиши ёки кераксизини ўтказиб юбориши мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бугунги кунда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нера деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Қолаверса, фарзандларимизни замонавий тараққиётдан орқада қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

Дарҳақиқат, тобора кучайиб бораётган ғойавий хавф-хатарларни мунтазам равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан енгиш мумкин. Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишларини, инсон қадр-қимматини улугловчи янгиланишлар моҳиятини ҳаётлий мисоллар билан очиб беришга, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган хуружларга қарши таъсирчан тарғибот воситаларини қўллашга қаратилган ислохотлардан ҳам кўзланган мақсад ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Бунда ижодкорлар, зиёлилар, олим ва сиёсатчилар иштирокида таълим муассасалари, Баркамол авлод марказлари, маҳаллаларда ташкил этилаётган «маънавият соатлари», учрашув ва давра суҳбатлари муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил этиб бориш, давлат муассасаларининг бу борадаги масъулиятини янада кучайтириш, уларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни янги босқичга кўтаришга ҳизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўза шарҳловчиси

ИЛК САВОДХОНЛИК САБОҚЛАРИ

бевоcита ҳаёт билан боғлиқ тарзда ташкил этилса самарали бўлади

Мактабга энди қадам қўйган боланинг таълим жараёнига мослашиб, савод чиқариши нечоғлиқ мураккаб жараён эканини ҳар бир ўқитувчи, ота-она яхши билади. Биринчи синфга борган кезларини ёдимга тушса, бунга такрор ишонч ҳосил қиламан. Ушанда ўтилган ҳар бир ҳарф кичик матнларни ўқиш орқали мустаҳкамланар, бутун синф бирма-бир ўқиғач, ёд бўлиб кетарди. Уйга қайтгач, билимимни текширмоқчи бўлган онамга матнлар узра кўрсаткич бармоғимни юргизиб ўзимни худди ўқигандек қилиб кўрсатардим. Бир-икки марта мақсадимга эришдим ҳам, кейин «сир»им очилди. Шундан сўнг уйда онам, мактабда ўқитувчимиз мен билан алоҳида шугуллана бошлади. Аввалига бўғинларни, секин-аста сўз ва жумлаларни равон ўқийдиган бўлдим.

Баъзи ота-оналар фарзанди савод чиқаришга қийналяётгани ҳақида айтиб қолади. Ҳўш, бундай ўқувчилар билан қай йўсинда иш олиб бориш, қайси усуллари қўллаш самара беради?

— Болаларга товуш ва ҳарфларни ўргатиш учун кўргазмали воситалардан фойдаланиш, ўрганилаётган ҳарф иштирок этган нарсаларни билан дарсга олиб кириш самарали усул эканини ўз тажрибамда кузатдим, — дейди Ёзёвон туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Раънохон Назирова. — Кўргазмали буюмларни ўқувчи қўли билан ушлаб, кўзи билан кўради, ҳатто мазасини татиб кўриши ҳам мумкин. Масалан, «q» товуши ва «q» ҳарфини ўтаётганда қовун, қовоқ, қаймоқ, қатик, қалампир, қалам, қармоқ, қайчи, қўти каби егулик ва ашёларни синфга олиб кирдим. Дарсда бу предметларни кўрган болалар аввалига ҳайратланишди, сўнг мавзуга фаол киришди. Танаффусда қовунни сўйиб, болаларга улашдим...

Болалар кўпинча мактабни кундалик турмушдан узоқ, ўқитувчисини уй юмушларидан хoli деб тасаввур қилгани боис дарсда, дейлик, ўзига таниш полiz экини — қовоқни кўрган, ўқиш ҳаётининг бир қисми эканини англаб, дaдил мулоҳаза билдиради. Раънохон Назирова тажрибаси шу билан чекланмайди, албатта.

— Ҳар бир сўз бўғинларга бўлингач, таҳлил асосида «q» товуши ажратиб олинади, — дейди тажрибали муаллима. — Ўқувчиларга: «Болажонлар, «q» ҳарфини кўришни, у билан дўстлашишни хоҳлайсизми?» дейман. Улар, «Ҳа!», деб жавоб беради. Қайси, бўлмаса ҳаммамиз биргалишиб «қачир» кўрайлик-чи! дейман. Болалар жўр

овозда: «Q, q, q», деб қақирадилар. Меҳмон бўлиб келган «q» ҳарфининг босма ва ёзма шакллари билан болаларни таништираман, у билан дўстлашишга, ҳамиша эсда сақлашга ундайман. Шундан кейин болаларга «q» ҳарфи иштирок этган тана аъзоларини айтиш вазифасини бераман. Улар қўл, қулоқ, қош, томоқ, бармоқ, оёқ каби сўзларни топиб, «q» ҳарфи сўзнинг қайси ўрнида келганини таҳлил қилишади. Сўзлар маъноси изоҳланади, аҳамияти тушунтирилади.

Дарсликда берилган бўғин, сўз ва гаплар бўйича ишлашгач, муаллим мавзунини мустаҳкамлаш учун интерфаол машқ ўтказилади. Ўрганилган ҳарфлар ёзилган қоғозлар болаларга тарқатилади. «Алифбо тартибида жойлаштиринг», «Унлилар, сафланг!» машқларини ўтказиш орқали ўқувчиларнинг билими мустаҳкамланади. «Ҳарф қочди», «Бўғин йўқолди» машқлари ҳам ўқувчиларнинг саводини чиқаришга ёрдам беради.

Ҳусниҳатни ва ўқишни ўргатиш жараёни бирга олиб борилади. Айниқса, имлога ўргатиш ўқитувчидан кўп жисмоний ва ақлий меҳнат талаб қилади. Сабаби, ўқувчилар ҳарфини ёзаётганда унинг қайси элементлардан тузилгани, қаердан қаергача давом этиши, қатта-кичиклигини билишга қийналади. Шундай пайтларда ўқитувчи эринмай бир неча марта намуна ёзиб кўрсатиши, ҳар бир бола би-

лан индивидуал ишлаши талаб этилади. Шунингдек, бир неча марта ҳавода ёзиб машқ қилиш, 5-6 ўқувчини доскага ёздириб кўриш, рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— «Алифбе»да бўғин тузилиши саҳифалар оша мураккаблашиб боради, — дея фикрини давом эттиради Раънохон Назирова. — Ўқитувчи ҳар бир бўғиннинг тузилиши ва мураккаблигига қараб ту-

шунтириш усулларини белгилаб олиши зарур. Масалан, уч ёки тўрт товушдан иборат бўғинларни ўқишга ўргатишнинг ҳам ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Шунинг учун «o-lam», «Map-non» шаклидаги бўғинларни «ooo-laaam», «Maaan-pooooo» тарзда талаффуз қилиб ўргатиш, сўзларни ўқишни ўргатишда жадваллар яхши самара беради.

Тажрибали ўқитувчи бўғинлардан сўзлар ҳосил қилишда «Таклиф этаман» интерфаол машинани ўтказилади. Ўқувчилар билан индивидуал ишлайди. Ҳар бир болага турли сўз бўғинлари ёзилган тўрттадан тарқатма материални бергач, доска ёнига «so» бўғинини таклиф этади. «So» бўғини ёзилган қоғозни тутган

ўқувчи доска олдида келгач, ёнига «at» бўғини қақиради ва натижада «Soat» сўзи ҳосил бўлади. Машқ шу тариха давом этиб, ҳатто гап тузиш ҳам мумкин. Бу ўқувчиларнинг зийраклигини ошириб, ёпиқ ва очик бўғинларни тез ўқиш кўникмасини ривожлантиради. Болалар мустақил ўқий бошлайди. Бундай интерфаол методлардан фойдаланиш «Дарс — муқаддас» тавсиялар мажмуаси асосидаги ўқув жараёнида ҳам самара беради. Чунки бу метод асосида ташкил этилган машгулотлар барча ўқувчилар бирдек фаол қатнашади.

Қизиқarli машқлардан яна бири «Кимнинг гуруҳи илғор?» деб номланади. Уни бошлаш учун синф ўқувчилар-

ри беш ёки олти гуруҳга бўлинади. Ҳар бирига турли бўғинлар ёзилган 15тадан тарқатма материал берилиб, вазифани бажариш учун муайян вақт белгиланади. Бўғинлардан энг кўп сўз тузган гуруҳ рағбатлантирилади. Бу жараёнда барча ўқувчи фикр билдириб, ўзаро ҳамкорликда ишлайди.

Раънохон Назирова «Ҳамиша олдинга интил» усулидан ҳам унумли фойдаланади. Синфдаги 32 нафар ўқувчини билим даражасига қараб, ўзаро бириктириб қўяди. Болалар шериклари билан ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, одоб-ахлоқ, ижодий фикрлаш, жамоат ишларидаги фаоллик бўйича йил давомида мусобақалашади. Ўқитувчи муттасил назорат қилиб боради. Ўқувчи тенгдош-тенгдошга тамойили асосида мусобақадошига ўргатади, ўрганади. Шу аснода синфда дўстона муҳит вужудга келади.

Барча ҳарфлар ўтиб бўлигач, «Алифбо» интерфаол машинани ўтказилади. Алифбо ҳарфлари ёзилган қоғозлар хат-жилдларга жойланиб, ҳар бир гуруҳга биттадан берилади. Ўқувчилар ҳарфларни чиқариб, «Алифбо тартибида жойланг» топшириғи бўйича ишга киришади. Ҳарфларни биринчи бўлиб тартиб бўйича жойлаштирган гуруҳ ғолиб бўлади. Яна, болаларга «Унли (ундош) товушларни йиғинг», «Ҳарфлар асосида исмингизни ёзинг» каби вазифалар ҳам бериш мумкин.

— Алифбе даврининг охирида ўқувчи матн, гап, сўз, бўғин, ҳарф ва товуш ҳақида етарли тушунчага эга бўлиши керак, — дейди Раънохон Назирова. — Ҳарф ва товушлардан бўғин, сўз, гап, матнлар ҳосил бўлишини билиш давлат таълим стандартлари талабидир. Бунинг учун, табиийки, ўқитувчидан илғор педагогик технологияларни дарсда мақсадли қўллаш, болаларни билим олишга руҳлантириш талаб этилади.

Раънохон Назированинг тажрибаси билан яқиндан танишиш асосида синфдаги ўттиз нафар ўқувчининг «аъло» баҳога ўқиётгани, ҳусниҳати чиройли эканига гувоҳ бўлдик. У ўтаётган ноанъавий дарслар орқали болалар ёзма ва озғани нутқини ривожлантириб, мустақил фикрлаш, ҳулоса чиқариш ва ўз фикрини эркин ифодалашга ўрганиш-япти.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

БАҲО ЖАЗО БЎЛМАСИН

шу каби муаммоли ҳолатларга ўқув-амалий семинари давомида ечим топилиди

«Бугун Лоланинг туғилган кун. У уйига сени ҳам таклиф қилган. Лекин ҳаво булутли. Соябон олишни унутмай!»

Француз тилида ёзилган мазкур қисқа матн ўқувчиларга тарқатилади. Ўғил-қизлар матндаги расмларни айлана шаклида бўяб, берилган саволларга жавоб топишади. Масалан, «Бугун кимнинг туғилган кун?» деган саволга ўзбек қизи Лола ва француз қизи Эманинг суратидан бирини белгилаши керак бўлади. Тўғри жавобни топиш қийин кечмайди. Оз фурсат талаб этадиган мазкур метод ўқувчиларни тез фикрлашга ундайди.

Пойтахтимиздаги 51-ИДУМда француз тили ўқитувчилари учун ташкил этилган республика ўқув-амалий семинарида юқоридаги каби кўплаб янги интерфаол методлар билан таништирилди. Маҳоратли тренерлар ўтказган қизиқarli машгулотлар педагоглар билим ва маҳоратини оширувчи тавсияларга бой бўлди. Ўқув-семинар давомида иштирокчилар 1—2-синфлар учун нашр этилган «Hirondelle1», «Hirondelle2»

дарсликларига илова тарзда тайёрланган аудио ва видеоматериаллар, мультимедияли воситалардан фойдаланиш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

— Бошланғич синфлар учун француз тили фанидан давлат таълим стандартлари асосида яратилган дарслик мажмуалар ўқувчи ва ўқитувчи китоби, ота-оналар билан ишлашга мўлжалланган қўлланма ва мультимедияли иловалардан иборат, — дейди дарслик муаллифи, Ёшдувон туманидаги 62-ИДУМ директори Саид Раҳмонов. — Дарсликдаги аксарият мавзулар ўйин асосида тушутирилгани боис машгулотларда методик қўлланма ва мультимедияли дисклардан унумли фойдаланиш усуллари қўрсатиб берилади. Дарсликдан ўрин олган мавзулар нафақат ўқувчига тил ўргатишга, балки ёш авлод қалбига миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизнинг сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бош-

ланғич синфларданок ҳар бир ўғил-қизда сўзларни тинглаб тушуниш, гапириш, ёзиш ва ўқиш кўникмалари тўғри шакллантириб боришмоқда.

Семинарда француз тилини ўқитишдаги баъзи муаммоларга ҳам алоҳида тўхталиб, ўқувчини баҳолаш мезонлари тажрибали мутахассислар томонидан таҳлил этилди.

— Ўқувчига қўйилаётган баҳо унга жазо эмас, аксинча, рағбат бўлиб ўзига ишончини, фанга қизиқишини, фанга хизмат қилиши керак, — дейди 51-ИДУМ қошидаги «Lingvo» француз тили маркази директори Светлана Караева. — Аксарият иштирокчиларнинг таъкидлашча, ўқувчилар уйга берилган вазифаларни бажаришга қийналади. Натижада ўзлаштириш кўрсаткичи пасайиб кетади. Уйда ота-оналарнинг фарзанди билан шугуллана олмаслиғи бунга сабаб қилиб кўрсатилди. Муаммога ечим топишда марказимиз тажрибасини мисол келтирдик. Ота-оналар учун ташкил этиладиган

француз тили сабоқлари ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини оширишда ёрдам бериши мисоллар билан изоҳланди. Яқуний ҳулосага кўра, ҳудудларда ота-оналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар учун ҳам машгулотлар ташкил этиш режага киритилди.

Ўқув-семинар давомида педагогик технологиялардан фойдаланишга доир тақдиротларни иштирокчилар қизиқиш билан кузатишди. ДТС талаблари бўйича озғани ва ёзма нутқни ривожлантирувчи грамматик, фонетик, лексик материаллардан фойдаланиш ҳамда дарс жараёнида қўллаш бўйича ўзаро фикр алмашилди. Мавзулар кенг муҳокама этилиб, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Беш кун давом этган семинар сўнггида илғор тажрибалар умумлаштирилиб, ҳудудлардаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида оммалаштирилиши белгилаб олинди.

Гулоз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Seminar

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)

Режа билан иш тутиб, бошланаётган ҳар бир ишнинг натижасини кўра олиш тadbirkorликнинг энг муҳим жиҳати.

Маълумки, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшмоқчи бўлган юрагиди шижоати бор фуқаролар ўз бизнесини бошлашда ҳар томонлама маслаҳатга муҳтож бўладилар. Юртимизда бу борада уларга кўмаклашувчи кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. 2002

Jarayon

йили Республика давлат мулк қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси ғолиби бўлиб, грант асосида иш бошлаган Бухоро вилоятидаги Вобкент туманлараро бизнес-инкубатори ҳам юртдошларимизнинг ишбилармонлик

кубатор субъекти «Галлак-тикос Барс» хусусий корхонаси, УЗДЭУ текстиль қўшма корхонаси тендер танловида қатнашиб, 150 миллион сўмлик ютукқа эришганини таъкидлаш жоиз.

«Саидафзал Меҳрожа» МЧЖ 100 млн сўмлик кредит маблағи ҳисобидан жаҳон андозларига мос мини футбол майдончасини ишга туширди. «Асадов-Бахшилло-Неъмат ўғли» фермер хўжалиги 62 млн сўмлик маблағлари эвазига совуқхона қурилиши ишларини охирига етказиш арафасида.

Бизнес-инкубатор ўтган

БИЗНЕС-ИНКУБАТОР

касб-хунар коллежи битирувчиларининг тadbirkorлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашмоқда

борасидаги юзлаб ғоя ва лойиҳалари юзага чиқишига кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, муассасада минг нафардан ортиқ фуқаро турли йўналишларда қайта ўқитилиб, касб-хунарга ўргатилди. Бугунги кунда улар туманлардаги барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, ахборот-ресурс марказларида, мактаблар ва турли ташкилот ҳамда хусусий корхоналарда ўз вазифаларини аъло даражада бажаришар.

— Ўтган йиллар мобайнида бизнес-инкубатор томонидан «Олмазор» фермер хўжалиги, «Бухоро» шўъба корхонаси, «Темури» ишлаб чиқариш фирмаси, «Шофиркон» корхонаси, «Собиш-Шоҳ» қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси, «Фарход-1» фермер хўжалиги каби 20дан ортиқ тadbirkorлик субъектлари инкубацион даврдан ўтказилди, — дейди Вобкент туманлараро бизнес-инкубатори бошлиғи Фахриддин Бўронов. — Ҳозир бу корхоналар эркин фаолият олиб бормоқда. Субъектларга кредитлар жалб қилиш, тендер танловларида қатнашиб, бизнес режалар тузиш, техник хизматлар: интернет, электрон почта хизмати, техника ва технологиялар ахбороти, комплекс офис хизматлари, бухгалтерия хизмати ва бошқа маслаҳат хизматлари кўрсатилди. Муассаса томонидан хусусий тadbirkorлик ва кичик бизнес корхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида Пешку, Гиждувон, Вобкент туманларида 550 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари жалб қилишга кўмаклашилди. Бизнес-ин-

йили асаричилик бўйича «Етти хазинанинг бири» лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўплаб-қувватлаш жамоат фондининг 14 миллион сўмлик гранти соҳиби бўлди. Ушбу грант маблағи ҳисобидан 40та асарлари оиласи ва унга керакли бўлган асбоб-анжом, махсулотлар сотиб олинди. Устоз-шогирд аънаъаси асосида асаричилик мактаби ташкил этилди. Айни пайтда мактаб битирувчиларининг кўпчилиги ўз ишларини бошлади. Масалан, вобкентлик ёшлар Сабоат Аҳророва, Умида Қодирова 9 млн 600 минг сўмлик Миллий банкнинг Вобкент тумани бўлими томонидан ажратилган кредит маблағлари, Шерзод Истамов, Комил Қодиров ўз шахсий маблағлари асосида асарлари сотиб олиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишди. Вобкент қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи 3-босқич ўқувчилари Илҳом Исмолов, Фирдавс Бўронов, Қодиржон Исмоилов ҳам ушбу соҳани чуқур ўрганиб олишди. Ўқишларини тугатишлари билан кредит олиб ўз бизнесини йўлга қўйишни мўлжаллашапти.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамоа ҳар бир лойиҳа устида тинимсиз изланиб улкан муваффақиётларни кўлга киритмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тadbirkorлик оламига етаклаб қираётганликлари нур устига нур бўлаётир.

Шоира РАҲМОНОВА

Бухоро вилояти

САКСОН ФОИЗ МАҲСУЛОТ — ЭКСПОРТГА

бу ишда коллеж битирувчиларининг ҳам ҳиссаси бор

Олтинқул туманидаги «Kray Tex» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонаси ёшларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган жамоалардан. Айни кунда бу ерда 350 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар.

Корхона бундан тўрт йил аввал собиқ «Олтинқул-текстиль» фабрикаси негизинида ташкил топганди. Дастлаб 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ҳисоби-га цехлар таъмирланиб, замонавий дастгоҳлар олиб келинди. Шунга мос равишда ишчилар ҳам танлов асосида қабул қилинди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган 100 турдаги махсулот доим ўз харидорини топади. Бозорларда олтинқуллик чеварлар тиккан бежирим трикотаж кийимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда Нихола Набиева ва Нодирбек Раҳимов каби ишчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

2014 йили тўқувчилар санига касб-хунар коллежи

битирувчиларидан 40 нафари келиб қўшилди. Амалиёт даврида устозларидан касб сирларини пухта ўрганган ёшлар ҳозир бемалол иш юритишмоқда.

— Коллежни тамомлагач, қаерда ишлайман, деган савол мени қийнамади, — дейди тўқувчи Гулдона Абдуғафорова. — Мана шундай катта жамоанинг аъзоси бўлиш ўзимни ва оила аъзоларимизни ҳам чексиз қувонтирди. Албатта, биз ёшларга бўлган бундай эътибор зиммамизга катта масъулият юклайди.

Корхона махсулотларининг 80 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани янада қувонарли. Биринчи ярим йилликда 1,5 миллион АҚШ доллари қий-

матидаги махсулот экспорт қилиниши ҳисоби-га корхонанинг иқтисодий қуввати янада мустаҳкамланди. Қолаверса, бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам ярим тайёр махсулот етказиб берилмоқда.

— Республикамызда тadbirkorлик фаолиятининг кўллаб-қувватланиши, қулай инвестициявий иқлимнинг яратилгани бизни янада изланишга ундамоқда. Ўз навбатида чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қиломқда, — дейди директорнинг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Шерзодбек Каримов. — 2014-2015 йилларда яна 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кириштириш режалаштирганимиз. Италиядан матога гул босадиган замонавий янги дастгоҳ олиб келиш ҳаракатидамыз. Бу режаларимиз амалга ошгач, ишлаб чиқариш ҳажми ортади ва қўшимча иш ўринлари яратилади.

О.СИДДИҚОВ

Юртимиз тинч, тунларимиз осуда, осмонимиз мусаффо, кўнгиллар хотиржам. Шундай мамлакатда юксалишлар буй кўрсатади. Истиклолнинг илк йиллариданок мамлакатимизда келажақ эгалари бўлган ёш авлод тарбияси, камолоти-га устувор даражада эътибор қаратила бошланди.

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ТАДБИРКОР БЎЛИШГА УНДАНГ

Юртимизда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари ва касб-хунар сирларини, хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўрганишларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг ўзи танлаган касб, хунар бўйича касбий лаёқати, қобилияти ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда бир неча турдош касб-хунарларни эгаллашига имкон

Fikr

яратилди. Бунинг учун таълим муассасаларида барча шароитлар муҳайё. Айниқса, коллеж битирувчиларининг тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар берилиши ёшларга қаратилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси-дир. Коллеж ўқувчиси бўлган менинг фарзандим ҳам банкдан кредит олиш учун мақсадли бизнес режа тузиб, сўнг имтиёзли кредит олди. Асаричилик бўйича яқка тартибда ўз тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйди. Ишни 10та асарлари оиласи билан бошлади. Ҳозир улар 40 оилага етди. Натижада нафақат тоза асал, балки асарлари махсулотлари, жумладан, асарлари муми, прополиси, асарлари сuti, гемагенат, гулчанг, асарлари оиласи (пакет) каби махсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш

ишлари ривожлантирилди. Бунинг самараси ўларок, оиламиз бюджети янада яхшиланди. Банкдан олган пул маблағлари ҳам муддатидан олдин қайтарилди.

Тadbirkorлик билан шугулланаётган ўғил-қизларда ўзига ишонч, дадиллик, қатъиятлилиқ бўлиши лозим экан. Бунинг фарзандим мисолида кўрдим.

Масъулият ҳисси орттириш, завқ билан ишлаши, маблағлари кўпайгани сари янада серҳаракат, сертарадуд бўлиб, асаричилик бўйича изланиб, китоб ўқиши, интернет сайтларидан маъкур мавзуга оид ҳар бир янгиликни кузатиб боришга интилиши мени мамнун этмоқда. Тadbirkorликни танлаб адашмаган эканмиз. Тadbirkor бўлишдан, кредитга пул олиб, иш бошлашдан кўрқмаслик кераклигини тушуниб етдик. Тadbirkor йигит-қизларимизни келажақда юксак марралар, улкан муваффақиётлар кутаётганига ишонч ҳосил қилдим. Хулоса сифатида айтмоқчиманки, фарзандингизни тadbirkor бўлишга унданг, уларнинг бизнес-режаларини кўллаб-қувватланг.

Илтижо САРИМСОҚОВА,
Қўрғонтепа иқтисодий коллежи
ўқитувчиси

ва натижаларини амалиётга, жонли нутқ маданияти тарғибига татбиқ қилиш вазифаси кун тартибига турганлигидан далолат беради.

Тилнинг жамиятдаги турли тоифадаги ва табақдаги кишиларга хосланиши ҳақида гап кетганда талабалар, ёшлар нутқининг ўзига хослиги ҳақида ҳам тўхталиш лозим бўлади, албатта. Улар нутқда жаргонсифат сўзлар кўп учрайди. Абитуриент



УЛИК ЧОРАК АСР

қулаётган мақсадида репетитор сўзини қўқартириб реп деб қўлайди. Талаба (сессияни) якунладим демасдан, сессияни ёлдим дейди. Бир қарашда айтилган бу сўзлар ноурин ва нотўғри қўллангандек, адабий тил қоидаларига зиддек туюлади. Чунки биз тилдаги расмий қоидаларга ўрганиб қолганмиз. Қоидадан ташқари ҳолатларни тан олгимиз келмайди. Ҳолбуки, қоидаларимиз, айтилганидек, кўпроқ китобий услубни меъёрлаштирган, холос. Талабалар орасида ёлмоқ сўзининг айрилган маъноси оммалашган. Бу маъно сўзнинг бошқа кўчма маъноларидан бирор ёмон жиҳати билан ажралиб турмайди. Унинг "айб"и лугатда қайд қилинмаганлиги. Лугатларимиз жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш ва янгиликни акс эттириб борадиган тилнинг бойлигини тўла-тўқис қамраб ололмапти. Ваҳоланки, илғор хорижий давлатларда янги кириб келган ёки янги маъно касб этган сўзлар қайд этиб бориларди ва лугатларнинг электрон версияларидан жой олади. Янги кириб келган сўзлар, сўзларнинг янги маънолари, аввало, ёшлар нутқидан жой олади.

Тил, нутқ ва маданият муштараклиги

Тил ва маданиятнинг чамбарчас боғлиқлиги ҳақида кўп гапирилади. Ҳақиқатан ҳам бундай алоқадорлик жуда кам. Бунинг кундалик ҳаётиимизда фаол истеъмолда бўлган нутқ маданияти, нотиқлик санъати каби атамалардан, халқ орасида машҳур бўлган оз сўзла, кўп ўйла, ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиги, яхши сўз билан илон инидан чиқади, ёмон сўз билан пичоқ қиндан чиқади каби сонсанокис мақол ва маталлардан ҳам билса бўлади. Демак, бу муаммо "қўхна ва ҳамиса навқирон" масалалардан.

Маданият — кенг қамровли тушунча. Кўпчиликка ҳатто унинг моддий ва маънавий турлари борлиги ҳам ёд бўлиб кетган. Лекин тилдаги маданият унинг қайси турига кириши масаласига келганда иккиланиб қоламиз. У моддий маданият таркибига кирадими ёки маънавий маданият унсурими?

Тил, аввало, кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Бу нуктаи назар-

дан у моддий табиатли. Зеро, сезги аъсоси(эшитиш, кўриш каби)га таъсир қилувчи ҳодиса моддий саналади. Демак, кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси сифатидаги тилга хос бўлган маданият моддий хусусиятга эга. Лекин, маънавий маданият сифатида қадрланувчи бойлигимиз — қадриятларимиз, боболардан қолган улкан бадийий ва илмий мерос, санъат асарлари бизга тил, яъни унинг асосан, ёзма, баъзан оғзаки кўринишларида етиб келган. Ҳўш, маънавий маданият "ташувчиси" сифатида у қандай баҳоланмоғи лозим? Биз бу маданиятни ўқиш, эшитиш орқали биламиз, ўзлаштирамиз. Бунда ҳам, эътибор қилинса, тил маънавий маданиятнинг "қобиғи" — моддий ифодаловчиси сифатида юзга чиқади. Шунингдек, кишиларнинг ахлоқий табиати, дунёқараши ҳам тил орқали намойён бўлади. Кўринадики, тил миллатнинг моддий бойлиги, ундаги маданият моддий маданиятидир.

Албатта, тил бирликлари шакл ва маъно яхлитлигидан иборат. Аммо тил маданияти ана шу маънонинг ихти-

миллатнинг маданий тараққиёти ётади. Ўзбек халқи маданияти бу даражада ривожланмаганда тилимиз ҳам бунчалик кўркли ва рангин, сержило бўлмас эди. Боболаримиз дунё цивилизациясидан озиқланиб, моддий ва маънавий маданиятимизни юксак даражага кўтардилар. Бу маданият намуналарини бирма-бир санаб ўтирмаймиз, албатта. Биргина мисол келтирамиз. Рус шарқшунос олими С.Н.Иванов "ғўзал форс мумтоз шеърятининг кичик синглиси бўлган туркий назмиёт юксалиб, орасидан ҳам бўйчан бўлди" деган ғўзал ўқшатиш қилган. Демак, форс адабиётидан озиқланган ўзбек адабиёти ундан кўплаб сўз ва ибораларни ҳам ўзлаштирди. Ўзлаштирганда ҳам нафақат ёзилишини, балки талаффузи ҳам айнан олди. Шунинг учун ҳазрат Навоий форс туркийча сўзласа, форс эканлиги билиниб туради, бироқ форсча сўзлаган туркийни ҳеч ким туркий демайди деган.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш икки йўсунда бўлади. Сўзни ўз тилига мослаб ўзлаштириш ва сўзни ай-

кетдим типигаги гапларни оғзаки нутқда қўлламаймиз. Лекин айрим кишиларнинг бу ўзбек тили табиатига хос эмас, у сунъий қўшимча деганларини ҳам эшитганмиз. Ҳолбуки, шеърят мулкнинг султони ҳазрат Навоий назмида бу қўшимча фаол эканлиги маълум:

*Куйди юз шоми ажал,
зулфин паришон айлагач,
Умр хуршиди ёқти,
чехра пинҳон айлагач.*

Ёки:

*Кўзунг қонимга сероб этти
ўзни нақди жон олғоч,
Начукким маст бергай майга
нақди роягон айлагач.*

Тил имконияти, айтилганидек, сўзлашув ва китобий (бадий, расмий, илмий ва публицистик) услубларга мослашган. Тилда бекорга синонимлар мавжуд эмас. Синоним бўлган ҳар бир сўз, ибора, бирикма ва гап ҳар хил услуб учун мўлжалланган. Юқорида айтганимиздек, тил имкониятидан фойдаланиш учун нафақат бу сўзларнинг тилда борлигини, балки уларни қачон, қандай шароит ва вазиятда қўллашни ҳам билиш лозим. Туркингни соғиниб жонон дейилмагани каби жамолингни совуллаб юв ҳам дейилмайди, албатта. Мен буларни баъзиларнинг Афтингни арт, башараси танишга ўхшайди деганларини эшитганим учун айтаётганим. Мисол қилиб келтирилган — гач қўшимчаси ҳам китобий услубга хос. Сўзлашувда эса унинг синоними бўлган — гандан кейин шаклини ишлатиш ўринли: Салим келгандан кейин мен кетдим тарзида.

Демак, сўзловчининг нутқ маданияти деганда нутқ шароитига мос равишда сўз ва ибораларни ўз ўрнида қўллаб, фикрини тўғри, равон, тушунарли ифодалаш тушунилади.

Умуман олганда, тил маданиятининг хусусий кўриниши бўлган нутқ маданиятини юксалтириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Эътибор берган бўлсангиз, оммалашган корейс сериаллари дубляжида қаҳрамонлар бир-бирига шунақа чиройли лутфлар қилишадик, мен бунинг болалар нутқига қанчалик таъсир қилганлигини, улар ҳам шундай гапиришга уринганларини кузатганман. Демак, биринчидан, фақат тил қоидаларини ёллатмасдан, жонли мулоқот маданиятини шакллантиришнинг турли илғор воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш лозим. Иккинчидан, бунда катталарнинг ибрати муҳим аҳамият касб этади. Чунки оилада фарзандларини болохонадор қилиб ҳақоратлайдиган ота-оналаримиз ҳам йўқ эмас. Ҳашаматли уй, тўқис шароит, сўнгги русумли автомобиль, қимматбаҳо кийим-бош ва сайру-саёҳатларнига маданият деб биладиган, лекин Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, "ичида ит ўлган" кишилар ҳам учраб туради.

Норасмий доираларда ҳар қандай тилда сўзлашиш ихтиёрий бўлса-ю, шевада гапириш айбми? Фақат қаерда қандай гапиришни билиш керак. Бу жамият аъзосининг маданий савияси билан боғлиқ. Оила бағрида, қариндош-уруғ ҳузурида, лаҳжадош дўстлар даврасида шевада сўзлашиш нафақат мумкин, балки зарур ҳамдир.

Умуман олганда, мукамал тил маданиятимиз мавжуд. Ундан фойдаланиш малакасини ўстириш эса долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
ЎЗМУ ўзбек тилшунослиги
кафедраси мудири,
филология фанлари доктори,
профессор

Биринчидан, фақат тил қоидаларини ёллатмасдан, жонли мулоқот маданиятини шакллантиришнинг турли илғор воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш лозим. Иккинчидан, бунда катталарнинг ибрати муҳим аҳамият касб этади.

моий воқеланиши билан белгиланади. Буни яққол тасаввур қилиш учун тил ва нутқни фарқлаш лозим. Маълум бир миллатнинг энг муҳим ўзаро алоқа-аралашув воситаси тил дейилади. Унинг минг-минг йиллар давомида шаклланган қонун-қоидалари шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун мажбурий. Барчамизда узок замонлар оша йиғилган бойлик — тил имкониятидан фойдаланиш эҳтиёжи бор. Тилимиз фикр алмашши эҳтиёжларимизни тўла қондира олиш даражасида ҳар жиҳатдан мукамаллик касб этган. Ана шу мукамаллик тил маданияти дейилади. Тил маданияти миллатнинг умумий маданияти ҳисобланади. Унинг маълум бир киши воқелантирадиган кўриниши нутқдир. Нутқнинг мукамаллик даражаси нутқ маданияти дейилади. Нутқ маданиятида шахснинг тил маданиятидан фойдаланиш даражаси намойён бўлади. Кишининг умумий маданий савияси, билим даражаси, интеллектуал салоҳияти, фаросати каби омиллар унинг тил маданиятини ўзлаштириб, нутқ маданиятига айлантиришида яққол кўзга ташланади. Шунинг учун тилимиз қанчалик ғўзал бўлмасин, баъзи кишиларнинг нутқини эшитганда беихтиёр қулогингни беркитгинг келади. Айрим кишилар гапирганда сўз тополмай қийналади. Бу унда тил маданиятидан фойдаланишда зарур бўлган ўқимишлиликнинг етишмаслигидир. Кимлардир товушларни талаффуз қилишда қийналади. Бунда уларнинг соғлиги тил маданиятини воқелантиришига имкон бермайди. Шундай кишилар борки, улар сўзлаганда сел бўлиб кетасан. Бундай кишиларни сўз санъаткори дейишади. Сўз санъаткорлари тил маданиятини мукамал даражада нутқ маданиятига айлантира оладилар. Бунинг заминда уларнинг машаққатли меҳнати ҳам ётади. Демак, маданиятнинг бошқа турларида бўлгани каби тил маданиятини ўзлаштиришда ҳам қобилият ва меҳнат муҳим роль ўйнайди.

Тилнинг маданий тараққиётида

нан ўзлаштириш. Масалан, араб тилига мансуб сўзларнинг аксариятини ўзбек адабий тилига ёзилиши шундан айнан ўзлаштирганимиз: Аллоҳ Таоло, шеър, неъмат, ваъда, фикр, фаросат... Бу эса кўпчилик нутқда уларнинг айнан талаффуз қилинишини таъминлайди. Чунки қандай ўқиса, шундай талаффуз қилишга уриниш табиий ҳол. Бироқ бу сўзлар бошқа туркий адабий тилларда Алла Tара-ла, шигир, нигмат, вада, пикир, парасат тарзида ўзлаштирилган. Демак, ўзлаштирилаётган сўзда имкон қадар ўша тил фонетик хусусиятларини сақлашга интилиш тил маданияти, сўзларни ўша тилдагидек талаффуз қилишга интилиш нутқ маданияти даражасини кўрсатади. Шунингдек, бирор ҳодиса атамаси учун бирдан чет тилларидан сўз олмасдан, тилнинг ички имкониятларини "титкилаб кўриш" ҳам шунга дахлдордир.

Тил маданияти мустаҳкам ўрнашган бўлиб, ҳамма унга риоя қилишга мажбур. Ўз нутқда юқорида таъкидланган ўзбек тили маданиятини эмас, балки сунъий равишда ўзга тил маданиятини воқелантиришга интилувчилар ҳам учраб туради. Нутқда қўлланган сўз ва иборалар тил маданиятига мувофиқ эмас экан, унинг нутқи ҳам маданийликдан бегона, ўзи эса ҳар қанча чиранмасин, айримлар ўйлаганчалик "жаа маданиятли" киши эмас.

Тўлғоқдаги она, жони азоб чекаётган инсон, яқинидан жудо бўлган кишида ҳеч қачон ўзга тил сўзларини сунъий равишда ишлатишга интилиш қўзғатилади. Чунки ҳар қандай киши бу ҳолатда асл миллий ўзлигини намойён қилади. Тўйга аза кийимида борилмагани каби, азага ҳам ясантусан қилиб борилмайди. Маданият бунга йўл қўймайди. Маълумки, тилнинг турли нутқ услубларига хосланган кўринишлари бор. Аввало, ёзма ва оғзаки нутқ фарқланади. Сўзлашувда ёзма нутқдагидек, ёзишда оғзаки нутқдагидек иш қўриш қулғили. Масалан, ўзбек тилидаги -гач қўшимчаси ёзма нутқга хос. Салим келгач, мен

Ta'kid

НОАНЪАНАВИЙ
«КЎРГАЗМА ҚУРОЛИ»

Кўхна ва ҳамиша нав-кирон шаҳримиз — Бухорои шариф осмон остидаги очик музей-гина бўлиб қолмай, тасвирий санъат, қурилиш, архитектура, механика йўналишида таҳсил олувчи талабалар учун тайёр «кўргазма кўрол» ҳамдир.

Шаҳримизнинг эски кўчаларидан ўтар эканман, кўпинча шундай манзаранинг гувоҳи бўламан: ўқувчию талабалар қўшчалардек тизилиб, тарихий масжид ва макбараларни, уларнинг атрофдаги табиат билан уйғунлигини бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилишади. Ҳар бири ўзига хос услубда чизади. Баъзан уларнинг ишини узок кузатиб ўтираман. Бу ҳам ўқитишнинг ноанъавий усулларида бири эмасмикан, деб ўйлаб қоламан. Шундай амалиётни институт дарс соатларига ҳам татбиқ этиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, «Амалий механика», «Назарий

механика», «Материаллар қаршилиги» аниқ ҳисоб-китоби талаб этадиган фанлар. Қурилиш объекти, бирор механизми яратиш, конструкцияни такомиллаштириш керак бўладими — ҳамма-ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобга асосланган. Хўш, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Исмоил Сомоний макбараси ўрта асрлар фанининг қандай ҳисоб-китоблари эвазига қурилганки, механика фанининг теоремау тушунчаларига мослигини исботлаётми? Ёки Минораи Калон қандай қилиб 900 йилдан бери шаҳарнинг «куну тун уйғоқ посбони» бўлиб турибди?

Ана шундай обидаларга экскурсиялар уюштириш ёшларимизга нафақат билим беради, балки улардаги миллий ғурур туйғусини ҳам юксалтиради.

Дилбар БАРАТОВА,
Бухоро муҳандислик-технология институти катта ўқитувчиси

Tavsiya

ПРОФЕССИОГРАММА НИМА?

Инсон тўғри касб танлаши учун бўлгуси меҳнат фаолияти жараёнидаги муносабатлар хусусида иложи борица тўлароқ маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўқув машғулотлари, синфдан ташқари олиб бориладиган турли иш шакллари, ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати, мутахассислар билан бўладиган учрашув-суҳбатлар, адабиётларни мустақил равишда ўрганиш ва бошқа шу сингари тадбирлар касб тўғрисида тегишли билимга эга бўлиш манбаидир. Улардан

бири эса профессионал-грамма ҳисобланади.

Профессиограмма — касбга берилган хараактеристика бўлиб, ўша касб одамнинг аклий, психологик, жисмоний ва бошқа фазилатларига қўйиладиган асосий талабларни кўрсатади. Барча профессиограммалар тахминан қуйидагича таркибий қўринишда тузилади:

1. Касбнинг номи.
2. Касбнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва ўрни.

3. Меҳнат тури: қўл меҳнати, механизацияштирилган, автоматлаштирилган меҳнат.

4. Меҳнат предмети ва маҳсулоти.

5. Иш бажариш учун зарур бўлган билим ва маҳорат.

6. Иш шaroитлари, иш жойи.

7. Меҳнат тартиби (смена, бир хиллик кабилар) ва дам олиш тартиби.

8. Касбнинг соғлиққа тўғри келиши ёки келмаслиги ҳақида табиий ҳулоса.

9. Шахснинг иродавий, ишчанлик ва бошқа фазилатларига қўйиладиган талаблар.

10. Касбнинг шахс, унинг умумий маданият даражасининг шаклланиши, аклий қобилиятларининг ривожланиши, хараактери ва шу каби сифатларига кўрсатилган таъсири.

11. Касб ўрганиш йўллари, ўқув юртларининг таснифи ва уларга кириш шартлари.

12. Профессионал ўсиш истикболлари.

13. Турдош касблар.

8-9-синфларда кўпроқ коллеж, академик лицейларга экскурсия уюштирилиши, «Очиқ эшиклар куни»га ўқувчилар меҳнат ўқитувчиси билан бирга бориши зарурдир. Натижада, ўқувчи қайси касбга кўпроқ қизиқишини аниқлайди. Шундан кейин ҳар бир ўсмир ўз меҳнат йўлини танлаш мақсадида ўзи учун профессиограмма тузиши керак. Уни тузиш давомида ўқувчи зарур касб ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлади. Мустақил профессиограмма ёзган ўқувчи келажакда ўз касбининг устаси бўлиб етишади.

Х. НАБИЕВА
Андижон вилояти
ПКҚТМОИ катта
ўқитувчиси



Tashabbus

ЧОРШАНБА — ИНГЛИЗ ТИЛИ КУНИ

Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш борасидаги ислохотларга ҳамоханг тарзда Гиждувон педагогика коллежиди ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Инглиз тили куни» деб эълон қилиниб, шу куни ўқитувчию ўқувчилар инглиз тилида суҳбатлашишапти. Бу ташаббус коллежимиз ўқувчи-

ларининг чет тилини ўрганишга бўлган иштиёқини янада оширмоқда. Ўқувчилар ҳар чоршанба ёзув тахтасига илинган янги сўзларни ёзиб олишади ва ҳафта давомида шу сўзларни ёдлаб улар иш-тириликда гаплар тузиб боришади.

— Келажакда инглиз тили ўқитувчиси бўлмоқчиман, — дейди ўқувчиларимиздан бири Махлиё Зайниддинова.

— Коллежимизда чет тилини пухта ўзлаштиришимиз учун етарлича шароит яратилган мена қувонч бағишлайди.

Ёшларимизни замон билан ҳамнафас бўлиб яшашга ундаш, уларга тил ўргатиш орқали дунё танитиш бизнинг бурчимиздир.

Гулбаҳор НУРУЛЛАЕВА,
Гиждувон педагогика
коллежи ўқитувчиси



Fikr

УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРД

Юртимизда таълим соҳасига юксак эътибор қаратилиб, янги-янги ўқув масканлари қад рост-лаяпти. Соҳада бўлаётган янгиланишларни кўриб, кўз қувонади, дил яйрайди. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Фақат айрим ёш педагоглар «Устоз-шогирд» аниъанасига етарлича эътибор қаратмаётгани бироз хавотир уйғотади кишида. Тўғри, ёшлар олий таълим муассасасида кўплаб замонавий фанларни ўрганишади, ноодатий дарс ўтиш методлари оид қўлланмаларни мутолаа қилишади. Бироқ моҳир, билимдон, ўқувчи кўнглига йўл топадиган муаллим бўлиш учун назарий билимларнинг ўзи камлик қилади-да.

Университет, институтда ўқиётганда ҳам бўлгуси педагоглар ўқув дароҳларида амалиётга юборилиши бежиз эмас. Бундан муддао — амалиётчи талабанинг дарс фақат болаларга вазифа бериб, ижросини назорат қилиш, савол-

жавоб, баҳолашдан иборат, деган тушунча билан чекланиб қолмаслигини таъминлашдир. Зеро, дарс нафақат таълим, балки тарбия жараёни ҳамдир.

Дарс ўтишнинг кўплаб усуллари мавжуд, бироқ кези келганда, бирортаси етарлича наф бермаслиги мумкин. Чунки болалар ҳар хил бўлади: бири ўқишга мойил, иккинчиси ўйнароқ, учинчиси эътибортаблар... Уларнинг шахсиятига теғмай, жисмоний куч ишлатмай таъсир ўтказиш учун эса ўқитувчи устоз кўрган, малакали бўлиши лозим. Устоз ўқитувчилардан болалар билан ишлаш, улар руҳияти билан ҳисоблашиб дарс ўтиш маҳоратини пухта ўрганган, ўқув жараёнини таълим-тарбия билан уйғунлаштирган муаллим ўқувчилар кўнглидан мустаҳкам ҳол олади.

Хусниддин ПИРМУҲАММЕДОВ,
Зангиота тумани агросервис
касб-хунар коллежи
ўқитувчиси

Shukrona

НОН — ТЎКИНЛИК РАМЗИ

Ёши катта, тажрибали инсонларнинг ҳар икки гапидан бирида «қаноат» сўзи учрайди. Ҳаётнинг пасту баландини кўрган, кузатган, ҳис қилган нуронийларимиз бугунги тинч, фаровон ҳаётнинг гувоҳи бўлаётганлари ва энг асосийси, ана шундай кунларда, фарзандларининг даври-даврон сураётганларидан мамнун бўлиб, Яратганга чексиз шукрона айтадилар. Ахир, инсон ўзи кўрган қийинчиликларини ҳеч қачон фарзандлари кўришини истамайди ва бунинг учун бор имкониятини ишга солади.

Ҳаётий мисол: ҳозирги оилаларга қаранг, тўрт-беш ёшга тўлишга улгурмаган фарзандларини ҳали гимнастика, ҳали сузиш машқлари, ҳали турли қўшимча дарсларга олиб боришади. Ўтмишда шундай кунлар бўлганки, оддийгина бошланғич мактабга бориш учун болаларда имконият бўлмаган.

Ёки «Биз уйда буханка нон емаймиз, тандир нон ёки патир еймиз», деб кибрланадиган баъзи дугоналаримнинг гапларини чуқур-

роқ мушоҳада этсам, рости, қувонаман. Ахир, одамлар нонни тўйиб ёя олмаган вақтлар бўлган. Ҳозир 80 ёшни қаршилаётган, нафақаданги шифокор бобом сўзлаб берадилар: «Иккинчи жаҳон уруши пайтлари мен чамаси беш ёки олти ёш эдим. Бир куни уйимизга меҳмон келиб қолди. Онам тезда уйга жой солиб, меҳмонларни тўрға ўтказдилар. Дастурхонга чой, туршак ва бир неча буханка нонбурдаларини қўйдилар. Меҳмонлардан бири мени қақириб, «Ол, болам», деб дастурхонни кўрсатди. Мен эса ҳамма нонни бирин-кетин еб қўйибман. Меҳмонлар кетган, онам мени роса саваладилар...».

— Ҳозир эса, — дейдилар бобом, — дастурхонда ҳамма ноз-неъматлар бор, нонни бўлса тўйгунча ейсан, ҳеч ким саваламайди ҳам, шу кунларга етказганига шукр...

Дилнора СОИПОВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

Саҳифани Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН САЙҚАЛ ТОПГАН САМАРҚАНД

«Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўқин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари борлиги учун ҳам бу шаҳар Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз дегани катта, бой, кент эса қишлоқдир».

Бу фикрларни Амир Темури салтанати пойтахтига келган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган. Дарҳақиқат, Самарқанд қарийб уч минг йилдан буён илм-фан, маданият, савдо-сотиқ маркази сифатида дунё аҳлини мафтун этиб келмоқда. Айниқса, Соҳибқирон бобомиз Амир Темури ва те-мурийлар даврида Шарқнинг энг гўзал шахрига айланди.

18-oktabr — Samarqand shahri kuni



Мана, ота-боболаримиз қурган мадрасаю мақбаралар асрлар оша ўз кўрку сало-батини сақлаб, авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Му-стақиллик йилларида қадимий иншоотлар янада кўркамла-шиб, шаҳарга ўзгача чирой, улугворлик бахш этди. Реги-стон мажмуаси, Амир Темури мақбараси, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Бибихоним мас-жиди каби обидаларда таъ-мирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди.

1996 йил 18 октябрда ша-ҳар марказида Соҳибқирон бобомиз Амир Темурининг мухташам ҳайкали ўрнатил-ди. Президентимиз фармони билан Самарқанд шахрига Амир Темури ордени берилиб, 18 октябрь — Самарқанд ша-ҳри кун деб эълон қилинди.

ЮНЕСКОнинг 2001 йил Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқандни меъморий-тарихий ёдгорлик-лари жаҳон мероси рўйхати-га киритилди.

Мустиқиллик йилларида амалга оширилган бунёдкор-лик ишлари самараси ўлароқ мазкур қадимий шаҳар юр-тимиздаги йирик тадбир ва фестиваллар ўтказиладиган жойга айланди. Самарқанд ша-ҳри 1997 йилдан буён дунё микёсидаги йирик санъат ан-жумани — «Шарқ таронала-ри» халқроқ мусиқа фести-валига мезбонлик қилмоқда. Ҳар икки йилда ўтказиб ке-линаётган нуфузли тадбир дунё халқлари миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъати анъ-аналарини ўрганиш, тарғиб этиш, санъат воситасида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хиз-мат қилаётгани билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тор-тмоқда.

Шу йилнинг май ойида «Ўрта асрлар Шарқ аллома-лари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замо-

навий цивилизация ривож-даги роли ва аҳамияти» мав-зусидаги халқроқ конферен-циянинг айнан Самарқанд ша-ҳрида ўтказилганида ҳам катта маъно-мазмун муҳас-сам. Нуфузли анжуманинг тантанали очилиш маросими-да давлатимиз раҳбари таъ-кидлаганидек, кўҳна ва ҳами-ша навқирон Самарқанд ша-ҳри бетақдор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга со-ладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкала-рида афсонавий шаҳар си-фатида маълуму машҳур. Мо-вий гўмбазлари миллионлаб сайёҳларни мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абдий шаҳар» деган ном билан бутун дунё-да шухрат қозонгани аини ҳақиқат.

Яқинда Самарқанд шаҳри-даги Форумлар мажмуасида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташки-лоти (ЮНВТО) Ижроия ке-нашнинг 99-сессияси юксак савияда ўтказилди. Халқроқ форумда БМТ Жаҳон сайёҳ-лик ташкилотига аъзо давлат-лар вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Испания, Германия, Греция, Хорватия, Хитой, Жанубий Корея, Япо-ния, Ҳиндистон, Миср, Индо-незия, Сингапур, Таиланд каби ўнлаб мамлакатлардан мутахассислар, халқроқ тури-зм ташкилотлари раҳбар-лари, экспертлар иштирок этди. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош қотиби Талеб Рифаининг «Самарқанд бу — асрлар жилосини мужассам этган ва ўзининг бетақдор қиёфаси ва ноёблигини сақ-лаб келаётган замонавий ша-ҳардир. Ушбу афсонавий ша-ҳарга мафтун бўлган шоир дунёда гар жаннат бўлса, у шубҳасиз Самарқанддир, деб таърифлаган», дея фикр бил-дириши бежиз эмас.

Самарқанд темирйўл вок-зали — энг кўп меҳмон қабул қилинадиган маскан. «Афросиёб» тезйорлар поездиди Тошкентдан етиб келган сай-ёҳлар шаҳар бўйлаб сайрни шу ердан бошлайди. Абу Рай-ҳон Беруний кўчаси меҳмон-ларни тарих оstonасига етак-ловчи равон йўлдир. Икки ёнида шинам тураржой би-нолари, тиббий-маданий, савдо, маиший хизмат кўрсат-иш объектлари қад ростла-ган кенг кўча орқали шаҳар марказига борилади. Йўл-йўлакай атрофга салқинлик

улашиб, камалак жилосида товланаётган фавворалар, хушбўй ҳид таратиб, нафис чайқалаётган гуллар, кўм-кўк боғлар дилни қувнатади. Бун-дай манзарани Университет хиббони, Регистон, Бўстонса-рой, Тошкент, Мирзо Улуғбек, Беруний, Спитамен, Даҳбед каби кўчаларда ҳам кузатиш мумкин.

Самарқанд шаҳрида учта йўлдош шаҳарча, 219та ма-ҳалла фуқаролар йиғини фа-олият юритмоқда. 88та умум-таълим мактаби, 40та акаде-мик лицей ва касб-хунар колле-жи ҳамда 7та олий ўқув юр-тида ёшлар замон талаблари даражасида таълим-тар-бия олиб, касб-хунар эгалла-моқда. Бундай имкониятлар-дан унумли фойдаланаётган ўғил-қизлар ўзларининг икти-дорлу истезьодини ривожлан-тириб, буюк аждодларга му-носиб авлод сифатида илм-фан чўққилари сари илдам-лаётир.

— Дастлаб мактаб, сўнгра академик лицейда пухта ўқиб, 2008 йилдан республика ва халқроқ фан олимпиадалари-да иштирок эта бошладим, — дейди Умида Жўраева. — 2010 йили Қозоғистонда бўлиб ўтган 51-халқроқ ма-тематика фан олимпиадаси-да 2-ўринни эгалладим. Са-марқанд давлат университе-тининг механика-математика факультетида имтиёзли қабул қилиндим. 2011 йили Зулфия номидаги давлат мукофоти, 2012-2013 ўқув йилида Мир-зо Улуғбек номидаги давлат стипендияси, жорий йилда эса Ўзбекистон Республика-си Президенти Давлат сти-пендияси соҳиб бўлдим. Бундай ютуқларга эриши-шимда мактаб, лицей ва уни-верситетда биз ёшлар учун яратилган имкониятлар ва жонқур устозларим берган таълим-тарбия замин бўлган-ни шубҳасиз.

Мақолани испан элчиси Клавиҳонинг Самарқанд ҳақидаги эътирофи билан бошлаган эдик. Якунда эса Заҳриддин Муҳаммад Бобури-нинг гапларини келтирмоқчи-миз: «Самарқанд ажаб, орас-та шаҳардур! Бу шаҳарда бир хусусият борким, ўзга кам шаҳарда андоқ бўлмай».

Тошпўлат ТУГАЛОВ,
Ҳақим ЖўРАЕВ

18-oktabr — Temuriylar tarixi davlat muzeyi ochilgan kun



Ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда му-зейларнинг аҳамияти ўзгача. Мустиқиллик йилларида республикамизда мавжуд юзлаб музейлар таъмирланди, янги-янги йўналишларда музейлар ташкил этилди. Жум-ладан, Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини муно-сиб нишонлаш мақсадида Вазиirlар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги қарори асосида Темурийлар тарихи дав-лат музейи бунёд этилди.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ МАХЗАНИ

Миллий ва замонавий меъ-морчилик уйғунлигида барпо қилинган музей 1996 йил 18 октябрдан иш бошлаб, тез фурсатда ўзининг минг-минг-лаб мухлисларига эга бўлди. Ўтган давр мобайнида музей Амир Темури ва темирйўлар та-рихидан сўзловчи муқаддас бир китобга айланди гўё. Эк-спозиция ва фонддан жой ол-ган, археология, нумизматика, санъатшунослик, меъморчи-лик, этнографик, манбашуно-слик каби соҳалардан маълум-мот берувчи экспонатлар ав-валбошида 600-700 тани таш-кил этган бўлса, ҳозирги кун-да келиб халқимизнинг ва хо-рижлик фахрий меҳмонлар-нинг совгалари эвзига, қола-верса, музей илмий ходимла-рининг сай-ҳаракатлари бил-ан археологик ёдгорликлар-да олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида 4000 тадан ошиб кетди.

Бу йил ҳам бир гуруҳ архе-ологларнинг Оққўрғон тумани-даги тарихий ёдгорликда ўтказган қазишма ишлари яхши натижалар берди. Қазишмалар давомида битта ярим айлана шаклидаги бурж (мудофаа мақсадида хом гиштдан қурилган хона), уй-жой қолдиқлари очилди. Тур-ли мақсадларда ишлатилган юзга яқин кулолчилик буюм-лари ва шиша идишлар топил-ди. Қадимда Банокат деб аталган, Чингизхон лашкарла-ри харобага айлантирган ва Амир Темури замониди қайта тикланиб стратегик аҳамиятга эга бўлган бу қалъа-шаҳар қолдиқларини мукаммал ўрна-ниш Темурийлар замониди шаҳарсозлиги ҳақида бой маълумот бериши шубҳасиз.

Музейда Амир Темури ва те-мурийлар тарихининг янги қирраларини ёритувчи анжу-манлар, давра суҳбатлари, кўргазмалар ташкил этиш кенг йўлга қўйилган. Жумладан,

Мустиқиллигимизнинг 23 йил-лиги муносабати билан ўтка-зилган тадбирда ёшлар ҳам фаол қатнашди. Республика дизайн коллежи ўқувчилари яратган амалий санъат наму-налари асосида «Истиқлол фарзандлари — анъаналари-миз давомчилари» мавзусида-ги кўргазма намойиш этилди. Зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, миллий либослар, таштакчи-каби йўналишлардаги ижод намуналари томошабинларда чўқур таассурот қолдирди.

Музей нафақат республика-миздаги ютуқларни кўргазма-кил этган бўлса, давра суҳ-батлари орқали кўрсатишда, балки хорижий давлатлар ҳақидаги материалларни хал-қимизга намойиш этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Яқинда Умон Султонлигининг Хужжат ва архивлар миллий бошқар-маси, Амир Темури халқроқ хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Узоқ ва Яқин Умон» мавзусидаги кўргазма ташкил этилди.

Музей жамоаси бой моддий ва маънавий меросимизни республика ва хорижда газе-та-журналлар, радио ва теле-видение орқали тарғибот қилиш билан бирга, муҳим мавзуларда илмий тадқиқот-лар ҳам олиб боришмоқда, илмий ўтлашлар, рисоалар чоп эттиришмоқда. Шу кунлар-да «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти» мав-зусидаги фундаментал тадқи-қот лойиҳаси бўйича иш олиб боришмоқда. Қолаверса, музей экспозицияси ва фондини бойитиш мақсадида амалий тадқиқотлар олиб бориш лойиҳасини тайёрлашга кири-шилган.

Ўткир АЛИМОВ,
ЎЗР ФА Темурийлар тарихи
давлат музейи етакчи
илмий ходими

Энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ, борлиқда энергия ҳеч қачон йўқолмайди. Фақатгина у бир турдан иккинчисига ўтиши мумкин. Шамол парракларни ҳаракатга келтириб, механик ҳаракат электр энергияси ҳосил қилади. Электр энергияси эса, ўз навбатида ёруғлик, иссиқлик каби энергиянинг яна бошқа шаклларига айланади. Бу жараён фанда "иссиқлик ўлими" деб номланувчи сифати юқорида энергиянинг пастроғига айланиши, охир-оқибатда нол даражага тушгунга қадар узлуksиз давом этади. Худди шунингдек, коинотда қачонлардир содир бўлган кучли портлаш натижасида вужудга келган улкан ҳажмли энергия юлдузлар, галактика ва бошқа осмон jismlarining пайдо бўлишига хизмат қилган. Улар орасида ҳам сиру синоати, ҳам кишида ўзгача ҳадик ва ҳаяжон уйғотувчи қора туйнуқлар сўнгги 100 йилликда энг баҳсли мавзулардан бирига айланди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қора туйнуқларга "фавитация (тортишиш) кучи таъсирида jismlarining ўз маркази томон жуда катта тезликда сиқилиб бориши (гравитацион коллапс жараёни) натижасида вужудга келадиган коинотдаги объект" дея изоҳ берилган. Қомусда таъкидланишича, қора туйнуқлар, асосан, катта массали юлдузлар эволюциясининг энг охириги босқичида вужудга келади ва унинг мавжудлиги бевосита кузатиб бўлмайди. Бошқа илмий манбаларда қора туйнуқлар фотонларни ютиб, ўзидан ёруғлик таратмаслиги боис уларни оддий телескоплар билан кўриб бўлмаслиги қайд этилган. Қора туйнуқнинг мавжудлигини атрофида пайдо бўлувчи кучли магнит майдонидан билиб олиш мумкин.

Маълумки, катта ҳажмга эга бўлган юлдузлар коинотда кучли тортишиш майдонини ҳосил қилади. Сўниш арафасига келиб қолган юлдуз ўзининг гравитацион тортишиш кучи ҳисобига қора туйнуққа айланади. Буткул янги қиёфа касб этган jismlarining фазо — вақт кенглигида атроф-теварақдаги осмон jismlarining ўзига янада қучлироқ тортиб, улар ҳисобига зичлигини ошириб бораверади. Гравитацион тортишиш кучидан қутулиш учун эса jismlarining тезлиги ёруғлик тезлигидан балодрок бўлиши талаб этилади. Қора туйнуқнинг энг характерли қисми, шубҳасиз, унинг чегараси бўлиб, ҳодисалар горизонти деб номланади.

Хокинг тенгламаси асосидаги назарий ҳисоб-китобларга кўра, катталиги Кўёшдек бўлган, яъни радиуси 7 минг километрини ташкил этувчи юлдуз сўниш арафасида турса, у аста-секинлик билан марказга томон чексиз даражада зичлашиб, ҳажми футбол түпидек келадиган қора туйнуққа айланади. Вазни бир неча миллиард тоннага тенг бўлган қора туйнуқнинг радиуси эса тахминан энг кичик зарралардан бўлиши нейтрон ёки протонга тенг бўлади.

Юқорида тилга олинганидек, қора туйнуқларни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Шу боис қадимги астроном олимларнинг илмий асарларида улар ҳақда аниқ маълумотлар учрамайди. Фақатгина 1784 йили инглиз олими Жон Мичелл Қироллик жамиятига ёзган хатига гравитацион тортишиш кучи ёруғлик тезлигига тенг ёки ундан ҳам юқори бўлган йирик ҳажмли коинот jismlarining ҳақиқдаги қарашларини баён этади. Олим бундай ҳолатда ушбу jismlarining ёруғлик ташқарига чиқа олмаслиги, натижада улар кўзга ташланмаслигини, шу-

бўлишини ёқлайди. Бу назария асосан юлдузлар туркумидаги барча осмон jismlarining марказга томон жамлаб, сиқилишини назарда тутди. Яна бир гуруҳ назарий ёлчи олимлар қора туйнуқлар коинотдаги илк катта портлаш натижаси, баъзилари эса уларнинг улкан ҳажмли энергия манбаида содир бўлувчи ядро реакциялари ҳосиласи эканлигига шубҳа қилмайди. Нима бўлганда ҳам, коинотда кичик, ўртача ва ўта улкан қора туйнуқлар мавжудлигини ҳар жиҳатдан исботловчи

учун бор-йўғи 84 сония кифоя қилади. Мазкур ҳодиса ёр кўчкисини эслатиб, аввал озроқ, сўнгра жадаллик билан энергиянинг чиқиб кетишига сабаб бўлади ва охир-оқибат жараён тахминан 10 миллион атом бомбасига тенг кучли портлаш билан якун топади.

Кўпчилик назарида қора туйнуқ объектларни катта тезликда ўз қаърига ютиб юборади. Бироқ бу жараён буткул бошқача кўринишда содир бўлади. Дейлик, қора туйнуқ сари кириб бораётган jismlarining ўзидан нур таратади. Дастлаб

Olam sirlari

ган. Яъши ва ёмон, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора... Қизқарқарлиси, коинот бағрида қора туйнуқлар қаторида оқ туйнуқ деб аталувчи, қора туйнуқларга қарама-қарши куч ўлароқ вужудга келган jismlarining ҳам учрар экан. Википедия электрон қомусий луғатида келтирилишича, оқ туйнуқлар — борлиқдаги фаразий физик объект бўлиб, қора туйнуқларга вақтинчалик "рақиб" сифатида намоён бўлади. Назарийчилар фикрича, мазкур объект ҳодисалар горизонти сабабли қора туйнуқнинг тарк этаётган ҳамда вақтининг термодинамик ўқиға қарама-қарши йўналишда жойлашган зарралардан вужудга келиши мумкин. Исроиллик астрономлар Алон Реттер ва Шломо Хеллернинг қайд этишича, 2006 йилда содир бўлган "GRB 060614" гамма-нурланиши оқ туйнуқнинг худди ўзи эди. Шундай бўлса-да, оқ туйнуқларнинг мавжудлиги борасида баҳсли мунозаралар давом этмоқда.

Галактикалар (миллиардлаб юлдуз ва бошқа осмон jismlarining жамланмиси) марказида қора туйнуқларнинг яна бир тури — ўта улкан қора туйнуқлар мавжуд бўлади. Уларнинг оғирлиги бир миллиондан бир неча миллиардгача юлдуз вазнига тенг бўлиши мумкин. Масалан, Ердан 50 миллион ёруғлик йили узоқликдаги M87 деб номланган галактикада жойлашган марказий қора туйнуқнинг вазни энг камида 6,4 миллиард Кўёш оғирлигига тенг. Шу жумладан, Сомон йўли галактика марказида ҳам худди шундай туйнуқ мавжуд. Унинг вазни галактика умумий вазнининг 0,01 фоизини ташкил этса, айрим қора туйнуқлар оғирлиги 15 фоизгача етиши мумкин.

Қора туйнуқлар ҳақида гап кетганида, кўпчиликини бир савол ўйлантириши аниқ — улар Ерга қандай таҳдид солиши мумкин? Аввало айтиш жоизки, тахминларга кўра она заминимизда бундай ҳолат 4 миллиард йилдан сўнг содир бўлиши мумкин. Гап шундаки, Ер сатҳида ва орбитада жойлашган космик телескоплар ёрдамида рентген нурлари, радиотўлқинлар ҳамда бошқа усулларда олинган тасвирларда бир-бирига тобора яқинлашиб бораётган қора туйнуқлар мавжудлиги исботланган. Олимлар ҳулосасига кўра, 4 миллиард йилдан сўнг Сомон йўли галактикаси ҳам Андромед юлдузлар туркуми билан худди шу тахлит тўқнашиб, галактикалар марказидаги ўта улкан қора туйнуқларнинг қўшилиши содир бўлади. Бироқ уларнинг Ер сайёрасига бевосита салбий таъсири ҳақида ўйлаш, назаримизда, ўринсиз. Чўки Эйнштейннинг нисбийлик назариясига асослансак, қора туйнуқ сари кириб бораётган jismlarining, юқорида таъкидлаб ўтилган оқ туйнуққа ҳам дуч келади ҳамда фазо ва вақт оралиғида икки томонда ҳам пайдо бўлади. Бу эса янги макон ва янги замон демакдир...

Санжар РУСТАМОВ
тайёрлади.

ҚОРА ТУЙНУҚЛАР

сайёрамизга хавф солиши мумкинми?

нингдек, фазо кенгликлариди бу каби jismlarining жуда кўплаб учрашини алоҳида таъкидлаб ўтади. Мичеллдан сўнг математик тенгламалар, илмий фараз ва тасаввурлар "маҳсули" бўлиши номаълум осмон jismlarining мавзуси маълум муддат астрономлар диққат-марказидан узоқда бўлди.

Фақат 1915 йилга келибгина қора туйнуқлар тўғрисидаги назарий қарашлар олимлар эътиборини ўзига торта бошлади. Аниқроғи, худди шу йили немис олими Карл Шварцшилд Эйнштейн тенгламалари асосида қора туйнуқлар мавжудлигини назарий жиҳатдан исботлади. Шу боис қора туйнуқлар кашфиётчиси сифатида Карл Шварцшилд тилга олинади. Илм-фанда қора туйнуқ атамаси эса илк бор 1967 йилнинг 29 декабрь кунини америкалик физик-назарий ёлчи олим Жон Арчибалд Уилер томонидан тилга олинди. У ўзининг "Бизнинг коинот: маълумлар ва номаълумлар" номли маърузасида қора туйнуқ сўзини тилга олиб ўтади. Ундан авваллари эса шу каби астрофизик объектлар "совиган юлдузлар" (ингл. frozen stars), «коллапсарлар» (ингл. collapsed stars) сингари жумлалар билан изоҳланган.

Қора туйнуқларнинг пайдо бўлишига оид тўрт хил фикр мавжуд. Уларнинг иккиси амалий, қолгани эса назарий аҳамиятга эга. Дастлабки фаразга кўра, қора туйнуқлар сўнган юлдузнинг марказга чексиз сиқилиши натижасида ҳосил бўлади. Иккинчи хил қарашлар эса айна шу ҳолат юлдуз эмас, балки бутун бошли галактика билан содир

кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Қора туйнуқлар ҳақида сўз кетса, улар фақатгина ютувчи jismlarining сифатида гавдаланади. Бироқ дастлаб 1974 йили Старибобинский ва Зельдович томонидан айланувчи қора туйнуқлар, 1975 йили Стивен Хокинг томонидан барча қора туйнуқлар учун хос бўлган, юқоридаги мулоҳазаларга бир қатор ойдинлик киритувчи назария илгари сурилди. Қора туйнуқлар атрофидаги квант майдонлари ҳолатини ўрганиш асосида қора туйнуқлар ташқи муҳитга зарралардан чиқариб, ўз вазнини камайтириши назарий жиҳатдан исботланди. Мазкур ҳодиса «Хокинг нурланиши» дея атала бошланди. Ушбу изланишлар олимларнинг вакуумлар ҳақидаги қарашларини ҳам ўзгартириб юборди. Яъни, аввалроқ вакуум ҳар қандай зарралардан холи бўлиш сифатида тилга олинар эди. Бироқ Квант ҳодисаларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар ҳулосаларига қараганда, гравитацион майдон вакуумни қўтлантириб, натижада зарра-антизарра жуфтини ҳосил қилади. Уларнинг бири ҳодисалар горизонтдан биروز қуйироқда жойлашгани боис қора туйнуқ ичига кириб кетса, иккинчиси горизонтдан балодрокдалиги сабабли ўзи билан бир қисм қора туйнуқ энергиясини олиб кетади. Натижада туйнуқ ҳажми ва вазни камайиб боради. Бу жараён кичик ҳажмли қора туйнуқларда, айниқса, тезроқ содир бўлади. Назария ва математик ҳисоб-китобларга асослансак, вазни 1000 тонналик қора туйнуқнинг «ёмирилиши»

эркин тушиш ҳолатида бўлган объект тезлиги марказга интилувчи куч таъсирида доимий равишда ошиб боради. Бироқ у ҳодисалар горизонтига яқинлашиб бургани сайин ундан ажралиб чиқаётган фотонлар икки сабаб — Доплер ҳодисаси ва вақтнинг гравитацион секинлашуви натижасида тобора қизғиш тусга қара бошлайди. Шу билан биргаликда, гравитацион майдон таъсирида барча физик ҳодисалар сустлашиб боради. Ҳодисалар горизонти яқинида эса унинг шакли яъси тусга кириб, ҳаракатдан буткул тўхтади. Ундан таралаётган частоталар ҳам кескин қисқаради. Ёруғлик тўлқинлари эса кенгайиб, аввал радиотўлқинлар, сўнгра пайқаш қарийб имконсиз бўлган паст частотали электромагнит тебранишларга айланади. Ҳодисалар горизонти чегарасидан кесиб ўтиш жараёнини кузатиш эса мутлақо имконсиз.

Барча туйнуқларда шундай — уларга асос бўлган jismlarining кимёвий таркиби ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Балки, қора туйнуқлар таркиби уларнинг вазни ва айлана-бурчагига боғлиқ бўлиб, улар фақатгина гравитация назарияси қонунларига бўйсуннади. Агарда бир-бирига яқин жойлашган икки туйнуқ қўшилса, 1970 йили Стивен Хокинг томонидан исботланган назарияга кўра, ҳосил бўлган янги қора туйнуқ сиртининг ҳажми унинг вазнига нисбатан тезроқ кенгайди. Мазкур ҳодиса фанда "майдонлар теоремаси" номини олган.

Маълумки, табиат қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанат асосида таркиб топ-

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)


KЎРИНМАС СОЯБОН

Ер юзидаги илк соябон бундан уч минг йил муқаддам яратилган бўлиб, ўша даврдан бери унинг тузилиши ва вазифаси ўзгармаган эди. Бироқ «Kickstarter» компанияси мутахассислари янги турдаги замонавий соябонни ихтиро қилиб, бундай одатийликка барҳам берди. Янги қурилманинг ўзига хослиги шундаки, ўзидан кучли ҳаво оқими-ни чиқариб, соябон соҳибини қору ёмғирдан муҳофа-за қилади.

Янги технология мунтазам ҳаво алмашинуви — циркуляция асосида ишлайди. Мослама ҳавони махсус тешик орқали сўриб олиб, сўнгра уни куч билан ташқарига чиқаради ва ўзига хос ҳаво «гумбазча»сини ҳосил қилади. Бундай ҳаволи соябон фойдаланувчининг уст-бошига ёмғир томчилари тушмаслигини таъминлайди.

Ихтирочилар ток билан ишлайдиган соябоннинг уч хил

нусхасини яратдишди. Биринчисининг узунлиги 30 см бўлиб, асосан аёллар учун мўлжалланган. Иккинчи нусхадаги соябон катталиги эса 50 см.ни ташкил этади. Энг катта соябон эса суриладиган



конструкцияли бўлиб, 50—80 см узунликка чўзилишини таъминлайди. Кичик нусхадаги соябон аккумуляторининг қуввати 15 дақиқа, каттароғиники эса 30 дақиқа давомидида ишлашга етади. Мосламани келаси йилнинг охирида сотувга чиқариш кўзда тутилмоқда.

ҚУРИЛМА САРАТОННИ ЭРТА БОСҚИЧДА АНИҚЛАЙДИ

«Wired» порталининг хабар беришича, инсон тана-сида саратон ҳужайралари мавжудлигини «мириам» номи махсус мослама ёрдамида қисқа вақт ичиди аниқлаш имконияти мавжуд. Қон таҳлиliga асослан-ган маъмур технология асосан катта ёшдаги эркеклар ва аёллар учун қўл келади.

Афсуски, тиббиётда онкологик касалликларнинг жуда кўп хавфли турлари мавжуд бўлиб, уларга ҳалигача даво топилмаган. Қўрак беzi, жигар, простата беzi саратони кабилар шулар жумласидан. Қўллаб беморлар эса хасталикни ўтказиб юборганидан кейингина шифокорга муро-жаат қилади. Саратонни эрта ривожланиш давридаёқ аниқ-лаш го'ят долзарб аҳамият касб этади. Бироқ замонавий тиббиётда бу биров мушкул ва нисбатан кўп харажат та-лаб қиладиган жараён саналади. «Microculus» компанияси илмий-тадқиқот лабораторияси олимлари ана шу муаммо-ни ечиш мақсадида оддийгина қон таҳлили орқали сара-тоннинг ўнлаб турларини аниқлаш имконини берувчи уску-нани ихтиро қилишди. Айтиш жоизки, маъмур технология қондаги микро РНК молекулаларини текшириш орқали бе-морда саратон мавжудлигини эрта аниқлаш усулига асос-ланади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, тиббий ўлчов асбобидан фойдаланиш худди қон топиширишдек жуда осон ва тез амалга ошади. Маъмур тиббий аппаратнинг оммала-шуви саратон туйғайли ҳалок бўлувчиларнинг сонини камаи-шига хизмат қилиши мумкин.

КАРАМ АУТИЗМНИ ДАВОЛАЙДИ

Америкалик олимларнинг таъкидлашича, карамнинг брокколи, колраби, кресс-салат каби турлари тарки-бида сульфорофан органик бирикмаси мавжуд бўлиб, ушбу антибактериал модда аутизм касаллигини да-волашда ҳам қўл келиши мумкин. Бу борадаги изла-нишлар «PNAS» журналида эълон қилинди.

Бугунги тиббиётда аутизмнинг Аспергер ва Ретта син-дроми каби оғир турларига қарши самарали даво чоралари топилмаган. Шифокорлар аутизмга чалинган болаларни тур-ли педагогик метод ва дори воситалари билан алоҳида парваришлаб даволар эди. Бу усул ўнчалик яхши самара бермас, беморларнинг тузалиб кетишига факат ўмид қилиш мумкин эди, холос. Канвальжита Сингха бошчилигидаги Гарвард тиббиёт мактаби шифокорлари сульфорофан мод-дасининг аутизм билан хасталанган беморларга ижобий таъсир кўрсатиб, даволловчи хусусияти мавжудлигини тад-қиқотлар давомидида аниқлашди. Тадқиқот ҳаммуаллифи Эн-дрию Циммерманнинг айтишича, кўп йиллик кузатувлардан маълум бўлдики, аутистлар одатда тана ҳарорати юқори бўлгандагина, атрофдагилар билан яхшироқ мулоқотга ки-риша олар экан. Тахминларга кўра, бу ҳолат организмни юқори ҳароратдан ҳимоялаш мақсадида ҳужайраларнинг фаоллашуви натижасида вужудга келади. Кузатувларда 13 ёшдан 27 ёшгача бўлган 44 нафар бемор эркек ишти-рок этди. Уларнинг 26 на-фари сульфорофани, 14 нафари эса плацебо дори воситасини мунтазам истеъ-мол қилди. Якунда сульфо-рафан билан даволанган бе-морларда тажрибанинг



туртинчи ҳафтасида яхши томонга ўзгаришлар кузатилган. Беморларнинг яқин қариндошлари сўзларига кўра, аутистлар ўз суҳбатдошининг кўзига қарай бошлаган, бошқалар билан қўл бериб кўришган. Даволаш бошланган кундан 4, 10, 18 ҳафта ўтиб диагнос-тик текширувлар мунтазам равишда ўтказилиб турилган. Кўпгина бемор-ларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, вербал коммуникация борасидаги ма-лака ва кўникмалари яхшиланиши аниқланган. Профессор Циммерман-нинг айтишича, бундай усулда беморларни даволашни ҳали давом эттириш керак бўлади. Сабаби, тажриба да-вомидида сульфорофан қабул қилган беморларнинг учдан бир қисмида ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар кузатилма-ган.

АТОМНИНГ КРИСТАЛДАГИ ҲАРАКАТИ КУЗАТИЛДИ

АҚШ, Япония ва Австралия олимлари илк бор атом ҳаракатларини ҳажман катта бўлган материалда ку-затишди. Кимёгарлар тадқиқот натижаларини «Physical Review Letters» журнали орқали оммага эълон қилишди.

Мутахассислар алюминий нитрид кристалига марга-нец ва церий атомлари аралашмасининг сингишини куза-тишди. Маълум бўлишича, церий атомлари марганец атом-ларидан каттароқ бўлишига қарамай, алюминий нитрид кристалига тез жойлашар экан. Тадқиқотчилар ушбу жа-раёнларни сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида ку-затишди. Олимларнинг маъмур тадқиқот ярим ўтказгич-лар саноти учун муҳим аҳамият касб этади. Турли хил конструктив элементлар микросхемасини (асосан свето-диод) тайёрлашда фойдаланилади. Бундан ташқари, кимёвий аралашмани кузатиш асосида нодир кристал-ларнинг кимёвий хоссалари ва уларнинг яроқлилигини ҳам олдиндан аниқлаш мумкин бўлади.

ХАВОТИР ОЛМАНГ, КАРТОШКА СЕМИРТИРМАЙДИ

АҚШлик мутахассислар бир қатор тадқиқот ва из-ланишлар натижасида картошка танада ортиқча ёғларнинг йиғилишига олиб келмаслигини аниқлаш-ди. Олимлар бу фикрга қўшимча тарзда, картошка баъзи ҳолларда ортиқча вазнини йўқотишда ҳам са-марали восита бўлиб хизмат қилади, дея таъкид-лашмоқда.

Дастлаб олимлар 90 нафар кўнгиллини уч гуруҳга бўлишди. Биринчи гуруҳ тадқиқот давомидида юқори глике-мик кўрсаткичли маҳсулотларни истеъмол қилди. Шунинг-дек, олимлар маҳсулотнинг калорияси микдорини мунта-зам назорат этиб ту-ришди. Иккинчи гуруҳ таркибида гликемик кўрсаткичи паст даража-да бўлган таомлар (қонда глюкоза микдо-рини оширувчи озиқ-ов-қат маҳсулотлари) билан овқатлантирилиб, улар-га асосан мева ва саб-завотлар берилди. Учин-чи гуруҳ эса картошкани ейишда соғлом овқатланиш қоидаларига риоя этган. Тажриба давомидида оддий кар-тошкани кўнгиллилар ҳафтасига етти мартаба истеъмол қилишган. Тадқиқот якунида барча гуруҳдагиларда озиш даражаси бир хил бўлгани кузатилган. Шу сабабли олим-лар картошка семиртиришга олиб келади, деган фикрни қатъ-ий рад этишди. Шунингдек, ортиқча вазнини йўқотишда энг яхши усул кун давомидида мунтазам jismoniy машқ-лар билан шуғулланиш ва соғлом овқатланиш қоидалари-га амал қилиш эканини таъкидлашмоқда.

Шаҳноза НАБИЕВА тайёрлади.

ҚИСҚА ТУТАШУВНИНГ КАТТА ТАШВИШИ

Бугун кундалик турмуши-мизни электр энергиясисиз тасаввур қила олмаймиз. Ири-рик sanoat корхоналаридан тортиб оддий маиший юмуш-ларимиз ҳам электр кўмаги-да бажарилади. Бир кун ёки бир соат хонадонимизда, ишхонамизда электр энерги-яси бўлмаса қай аҳволга ту-шамиз? Унинг нечоғлик ке-раклигини барчамиз яхши биламиз. Аммо ундан оқило-на ва эҳтиёткорлик билан

фойдаланиш, меъёрида иш-латиш қоидаларига ҳар доим ҳам амал қилавермаймиз. Баъзан кўчаларда, айрим хонадонларда чиқоқлар мақ-садсиз ёниб тургани, электр симлари, розеткалар очик ҳолда қолдирилганига гувоҳ бўламиз. Кўпинча бундай эҳтиётсизликлар қисқа ту-ташув оқибатида ёнғин содир бўлишига олиб келади. Кат-та ташвиш келтирадиган бун-дай ёнғинларни бартараф

этиш учун эса қанча куч ва меҳнат талаб этилиши ўзин-гизга аён.

Электр энергияси билан боғлиқ ҳолатларга ҳеч қачон бефарқ қараб бўлмайди. Ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлсак, электр энергияси ва маиший техникалар бемин-нат дастёримизга айланади.

Игор ЦОЙ,
13-ХЕҲО алоҳида пости
смена бошлиғи,
майор



«The Washington Post» нашри-нинг хабар беришича, «Эбола» вируси туйғайли юзага келган таҳликали вазият сабаб АҚШ-нинг Солон, Огайо ва Техас штатларидаги бир нечта мактаб-лар номтаълум муддатга ўз фао-лиятини тўхтатган.

Арканзас штатига қарашли Брентвуд шаҳридан унча узоқ бўлмаган ҳудудда йўловчи ва юк ташувчи поездларнинг тўқна-шиб кетиши оқибатида 12 киши турли даражада тан жароҳати олган.

Калифорниянинг Непа водий-сида Шимолӣ Америкадаги энг оғир — 933 килограммлик ош-қовоқ етиштирилиб, Нью-Йорк-даги ботаника боғига экспонат сифатида жўнатилган ва уни етиштирган инсонга пул мукофо-ти берилган.

«Agence France-Presse» ман-басида ёзилишича, Непал қутқарув хизмати томонидан Ҳимолайнинг Аннапурна тоғ-ларида содир бўлган кучли қор бўрони вақтида бедарак йўқолган 152 сайёҳдан 13 на-фари топилгани, 4 нафари эса ҳаётдан кўз юмгани маълум қилинган.

«Синьхуа» ахборот агентлиги Португалиянинг ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари Лиссабондан 280 километр узоқликда жой-лашган Алгаври туманида яхта-га 600 килограмм кокаин мод-дасини жойлаб олиб ўтишга уринган икки нафар хорижлик жиноятчини ҳибсга олганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Жанубий Африка Республи-касининг Йоханнесбург шаҳри-да бензин ташувчи машинанинг тормоз тизими мишдан чиқиши оқибатида 45та автомобил бир-бирига урилиб кетган, ҳодиса-дан 20 киши жабрланган ва яна 2 инсон ҳаётдан кўз юмган.

ТОҒЛИКЛАР ГУРУНГ БЕРАДИ...

Бўлган воқеалар

Jilg'a

Тоғлиқлар суҳбати кўнда ё от, ё ов тўғрида боради. Қишлоқдошларим гурунгида бўлдим. Гап бўри ҳақида кетди. Ким кўрганни, кимдир эшитганини сўйлади. Бировнинг қўйини жондор олибди, бошқанинг шундайгина ҳовлисида бузоғини еб кетибди-ю, эгаси сезмабди ҳам. Фалон овчи бўри терисини унчага сотибди. Фалон тижоратчи "омад келтиради" деб, тери, тиш-тирноқ қидириб юрганмиш. Эшмат "Терини мошинада олиб юриш керак — ишинг бароридан келади", деса, Тошмат тиш ё тирноғини тумор қилиб тақийш лозимлигидан лоф урди.

Суҳбат шу ерга етганда:

— Агар чинданам омад келтирса, нега тирноғи бўрининг панжасида, тиши оғзида турганда ўз эгасини овчининг ўқидан асраб қололмади? — деди кимдир.

Ҳамма қулиб юборди, уни маъқуллашга тушдилар...

Тўғри-да, танингда қувват, бошингда ақл, кўксингда "Худо" деб уриб турган асл туморинг бўлса, бошқа ирим-сиримларга не ҳожат? Тоғлиқлар орасида шундай арслон юракли йиғитлар бўладики, ўз ҳақини ҳимоя қилиш учун, лозим эса, бўрининг оғзидаги ошни тортиб олади. Ишонмайсизми?

ЁШАНИ БҮРНИДАН ЧИҚДИ

Уруш тугаб, одамлар секин-аста оёққа тура бошлаган дамлар. Баҳром ўрмончи кўчор бокмоқда...

Чорвани «етти ҳазина»нинг бири, дейдилар. Дейишга осон. «Чорва-чорва» деган билан кўра қўйга, оғиз мойга тўлиб қолармиди. Чўпон тушида ҳам қўй боқади, молхона то-залайди, ем-хашак гамлайди. Ўзининг эмас, молининг томоғини ўйлайди. Мана, ху-у-в қайси йили, бир боғлам беданинг нархи кўчор нархидан ҳам қиммат бўлиб кетди. Қўй деганда, бировнинг кўз олдида тандир, бировниқига қозон кабоб келади. Чўпонга-чи, бўйдок ўғлига бўйи етган қизи, тиним нима, тўзим нима билмаган ёзу киши қўринадди. Баҳром ўрмончи ҳам шу олти бош қора кўчорига кўз тиккан. Алоҳида томда, эрта-кеч кўрадан чиқмай қараяпти. Қора кўчорининг гўшти оғир келади, тотли келади, дейдилар. Семиртириб сўйса, эл-улус ўртасида хомталаш қилса, бирор кам-қўсти битар, зора...

Ўрмончи тонг отар-отмас, бошини ёстикдан олди. «Боқувдаги мол — нозик мол. Очлиқни, ташналиқни кўтаролмайди. Меҳмонга қарагандай қараш лозим унга...». Шундай хаёллар билан тўнини елкасига олиб, пайтавасини ҳам ўрамай, молхонага йўл олди. Олам оқ либосга бурканган, оқшомги туман таркаган, қоронғилик лашкари ортагача келган маҳал. Молхона томонга қараб, ўрмончининг ранг-кути ўзгар-

ди, кўз остлари пирпирай бошлади. Кўра эшиги ланг очик. Қорқоғоз зулм ва ҳақсизлиқнинг сурати чи-зилгандек, панжа изларига тўла! Ўзиллаган товуш эшитилди шу тоб. Тоғ томонданми ё ўрмончининг ичиндан келди, тўлиб турган ўпка-сиданми, билиб бўлмади. Ўқдай отилиб, ўзини ичкари урди. Аввалгига қоронғиликда кўзига ҳеч нарсаси кўринмади. Кейин эса... Кўчорлар... тилка-пора... Ўрмончи нима деяри-ни билмас, ҳатто нафас ололмас, танасида оқиб турган қон ҳам бир бахча тўхтаб қолди гўё. Бир баҳягина, сўнг тошқин дарёдай кўпирди, томиларни ёриб юборгудек ҳаприк-ди. Шунда ўрмончининг оғзига нима келса-келди, ҳеч қайтмайдиган бўлиб келди...

Бўрдоқиларнинг бурда-бурда этидан ҳовур кўтарилиб турибди. Демак, йиртқич узоққа кетиб улгурмаган ҳали. Ўрмончи милтигини олди, айғирига эгар солди. Тоққа томон тортилган чизик бўйлаб от чолтирди — жинойатчига излари олиб боради. Бўри ўлғурни ақлли жонивор дейишди. Бу гал ақли оқсаган кўринадди. Бўлмаса, ўрмончиникига ҳам ўғирликка кирадими, кўриқхонани беш кўлдай биладиган, умри шу тоғлар орасида ўтган кўриқхона қоролу билан ҳам ўйнашадими?!

Қишлоқ ортада қолди, қонхўрдан эса ҳамон дарак йўқ, ўрмончининг хўрлиги келди. Отнинг гоҳ текислик, гоҳ қиялик бўйлаб олиб-йўртишига

қаноат қилмай, қўлидаги қамчи эмас, гўё қилич-у, остидаги бедов ҳам от эмас, ўша қашқир-у, бари аламини шу тулпоридан олди. Ўрмончи кимсаннинг ҳақини емайдиган, беҳудага ҳақини бериб ҳам қўймайдиган одам. Қандай бўлмасин, бўрини қувиб етиши керак. Айғир нимадандир безовта, пишнаб-пишқириб олға босарди. "Мол эгасига ўхшайди", дейдилар. Тулпори кўпқарилардан қуруқ қайтмайдиган, тоғу тошлардан қанотсиз учиб ўтадиган отлардан. Ўрмончи "бойчибор"ига қамчи босди: "Қани, кучингни кўрсат, жонивор!"...

Ниҳоят, қорайиб нимадир кўринди. Чўнкайиб олган, қорни тўқ, юргиси йўқ. Бир жуфт кўз бир нуқтага ўқдай қадалди, ўтдай чақнади. Бўри сергак торти, илкис ортага бурилди. Шу лаҳза гўмбурлаган овоз янгради. Тоғ узра акс садо берди. Қашқир салчиб тушди, оқсоқланганча жон ҳолатда тепаликка тирмашди. Ўқ бир оёғини елка ўтган эди. Болаларининг ризқини қийган номард таъқибдан чекиниш эса ўрмончининг хаёлига ҳам келмади. Зулм жавобсиз қолмаслиги керак. Таъқиб давом этди. Бўри еганини йўлма-йўл қайт қила-қила қочди. Кўчор думбаси лахта-лахта бўлиб йўлларга сочилди. Емоқнинг қўсмоғи йўқми? Яна ўқ овозидан қоялар ларзага келди...

Баҳром ўрмончи чуқур нафас олди, отининг жилловини орта бурди.

ОЛИМ ШИПАНАК

Бизнинг тоғлиқлар эпчил, чаққон, уддабурон одамларни "шипанақ" деб атади. Фикримизча, бу сифат чаққон ҳаракат натижасида чиқади "шип-шип" деганга ўхшаш товушдан олинган бўлиши мумкин. Масалан, "Шипиллаб хизмат қилиб юрибди" ёки "Шип" этиб ёнимдан юғриб ўтиб кетди" каби иборалар қўлоққа қалинлиб туради... Қаҳрамонимиз эса ўша кунгача Олим шипанақ эмас, Олим чўпон эди, холос...

Унинг уйи қишлоқнинг шундайгина чеккасида. Суврини азонлаб тоққа ҳайдайди, қишлоққа кеч тушгач, қоронғи аралаш қайтади. Тўй-маъракаларда эл билан, ҳашар-ошарда элдан қолмайди. Уни бекорчиликдан, йўқ, беғамлик, дангасалик, лоқайдликдан узуқун ўтган-кетгани гийбат, мазах қилиб ўтирадиганлар даврасидан топиш қийин. Чўпон камгап одам. Иши кўпнинг гапи кам бўлади, асли. Гапни аनावиларга ўхшаш бекорчиқўжаларга чиқарган. Улар чўпонимизни ҳам гийбат қилгани-қилган. Майли, гийбату гийбатчиларни тарк этиб, Олим чўпондан хабар олайлик. Зотан, кўча-безориларга ҳар қанча тош отганимиз, бошини ёрганимиз билан, ёриқ бошларидан ҳеч вақо чиқмаслиги тайин...

Чўпон даштда. Қишлоқдан анча олислаб кетди. Олим чўпоннинг суруви бошқа сурувларнинг ҳали туёғи етмаган, ўтга, сувга мўл яйловларда ўтлайди. Шундан қўйлари этли, сугтли бўлади. Ҳозир унинг отари ўтлаб юрган жойга одамлар "Бўри-кўчор" деб ном беришган. Бўри-кўчор ҳақида шундай ривоят эшитгандим: "Қулардан бир кун тоғлиқ бир чўпон икки кўчорини бозорга ҳайдайди. Йўлда бораркан, қочиб кетмасин дея иккисини ҳам бир игга боғлаганча ўтлоқда қолди-ради, ўзи сув олгани сал наридаги сойга қараб энади.

Шу пайт кузатиб келаётганмикан, ё тасодифийми, бе-эга қолган кўчорларни оч бўри «зёиэрат» қилади. Бир-рига ташланади, иккинчиси қочибга уринади. Лекин ипнинг бир учи бўйида бўлгани учун қўтулиб кетолмай, ўзини у ёққа уради, бу ёққа уради. Бу орада арқон жондорнинг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушиб қолади. Икки куч бир арқонга жамланади. Кўчор куч билан тортганда бўри бўғилади. Наригиси ҳам йиртқич чангалидан қўтулиб, жон аччиғида ўзини ҳар ёққа отади. Ўртада қолган босқинчи бўғилиб ўлади. Шу аснода чўпон ҳам етиб келади...". Бу ерларнинг "Бўри-кўчор" номини олишини одамлар шу воқеага таъайдилар.

Олим чўпон ана шу адирларга сурувини ёйиб юборган, ўзи эса чопонини кўрпача қилиб, ёнбошлаб олганча, "Энди секин қайтсак ҳам бўлар", деб турибди. Қўйлар тўқ, номига ерга тумшук чўзади. "Келишнинг кетиши бор", дегандек қўш-да заволга юз тутта бошлади. Шу маҳал сурув хуриб, "гур-р-р" этган овоз келди. Чўпон ўрнидан салчиб турди. Қўйнинг беўшов маърагани эшитилди. Овоз чиққан томонга қаради. Жондор, бир қўйни бўғизлаб олган. Чўпон овози борича бақирди. Бўри бир силтаниб, ўлжасини елкасига ортмоқлаб қочди. Олим чўпон ҳай-ҳайлаганча таёғини кўтариб елди. Елмади, шунқордай учди. Йиртқич ўлғудай оқ эканми, қўйни қўйворай демади. Бизнинг шунқор ҳам бўш келмади, ўғрини ахири қувиб етди. Созлаб тушириб ҳам, таёқнинг зарби билан жондор ўлжасидан умид узди, ортига қарай-қарай, келган жойига томон кетди. Қўй ҳалоллаб олинди...

Ҳалолнинг бўлсин, Олим чўпон, йўқ, Олим шипанақ! Ҳа, ўша кундан Олим чўпон эл орасида "Олим шипанақ" бўлиб қолди...

ОВЧИНИНГ
ОРИ

Кўксини ўқдек тешиб ўтди. Гап ўқдан минг чандон ёмон бўларкан. Ўқ-ку, нишонага бир тегса, ўн қарра хато кетади. Пичинг, таънаомуз гап дунё яралибдики, мўлжалга тегмай қолмаган. Ўқнинг ала-мига бир дод дейсан, қутулсан. Сўздан ярали кўнгли минг йил оҳ чекади, қутулса қани!..

— Сизга беш кетмадиг-э, овчи, — Аширбой энди саломга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кесатди кимдир. — Жондор кургур овчининг кўрасидан бошқа кўра тополмабми?

— Жониж йўфакан-да-а, Ашийбой, — ириллаган итдай қинғир, қўкимтир тишларини кўрсатиб иржайди Эшвой носкаш.

Давра қаҳ-қаҳ отди. У қўйиб бу, буни-си қолиб униси ҳар ёқдан истеҳзо қила бошлади. Ашир овчи одамларни шуларни эшитаман, деб йўқлаганмиди? Ўзидан ўтганини ўзи билиб, ҳовурини босиш учун элга уруғ суриб келмабмиди? Оқибат эшитгани... ҳатто ўз хотинига сўзи эътиборсиз, қизи элга гап бўлиб, эрга тегмай неварали қилган, аммо буларни парвойига ҳам келтирмай, давраларнинг тўртини бермай келаётган носкашнинг сассиқ-писмиқ кесатилари бўлди.

Аширбой носкашнинг без, бетиним жа-ғига созлаб туширгиси келди. Чоғланди. Лекин ўзини босди, индамай, зарур иши эсига тушиб қолган ишчидай даврадан суғурилиб чиқиб кетди. Ортидан қаттиқ кулги кўтарилди. Овчи одимни илдамлатди.

Ҳовлисига қирар-қирмас, тўғри сайисхонага юрди. "Қиргинга кетгур" бўрини қараб-илгаб, бир челақ сут кўтариб, ўчоқ бошида куймаланиб юрган хотинининг аччиқ-тиззиқ қарғишларига-да парво этмай, отига эгар урди...

Эшвой носкаш улфатлари билан бутун қишлоқ тарихини ағдар-тўнтар қилиб ўтирарди. Қайси йили кимнинг кўрасига бўри қирган, ким чилла пайти қашқирлар галасига дуч келган, ким айиқ отган, ким куён тутган... Узоқдан бир қора кўринди. Отлиқ яқинлашаркан:

— Анов Ашир овчимми? — деди бирови.

— Этталабдан от миниб, қай гўрдан келаяптийкан?

— Эгарининг қошига нима бало ортиб олибди?

— Кеча бўйи бўғижлаган қўйлайидандий-да...

Отлиқ яқинлашгани сайин тиллар ўз-ўзидан шалвираб, кўзлар олдинга бўртиб чиқди. Ашир овчи тимқора айғир устида кўкрагини гош тутиб келарди. Айғирнинг нотинч ўйноқлаши йигитнинг виқорли қад-дига боз ҳайбат бераётгандек. Овчи, ниҳоят, ҳали оғзида қолган саломини берди, баралла овозда:

— Ассалому алайкум!

Саломни эшитишмади ёки алиқни унуттишди. Давранинг кўзи эгар қошида! Ашир овчи яғринидан ҳалим қон сизиб турган жондор жасадини Эшвойнинг оёғига чўзилтириб ташлади. Ялпайиб, ўрнидан туришни ҳам унутган носкашнинг қўйлаги, анграйган оғзи, киприги остига-ча қип-қизил томчилар сачради...

Эндигина муртимиз сабза уриб, қатталар таъбирича, "дастёр" бўла бошлаган пайларимиз эди. Саратонда қишлоғимиз атрофиди яйловлардан барақа қочган, қўйлар Кўлга(тоғдаги жой номи, кичкина кўлчаси бор) олиб кетиларди. Унда-бунда чўпонларга ёрдамга бориб турардим. Кўпинча отарни бир вақтлар ор устида жондор отилган ер — "Ашир мерган"да боқардик...

Ғолиб БАҲРОМ

2014-yil 18-oktabr, № 84 (8733)

Биз ўқиган пайтлари жисмоний тарбия дарслари кўпинча энг охири соатга қўйиларди. Бир нечта синф бир пайтда тикану ажриқ каби бегона ўтлар босиб ётган спорт майдончасида тўп тепганимиз тепган эди. Стадион ва дарвозанинг ўлчамлари, тўпларнинг оғирлиги, белгиланган метрлар ҳақидаги назарий билимлардан умуман хабарсиз эдик.

Тузукроқ тўп ҳам йўқ эди. Ўқувчилардан кимдир тўп олиб келган бўлса, у волейбол тўпи э ё баскетболникими, фарқи йўқ — футбол ўйнардик. Агар тўп бўлмаса охири соат эмасми, ҳаммага жавоб бериб юбориларди. Очиги, жисмоний тарбияни энг охири даражада фан сифатида «қадрлар» эдик.

Жисмоний тарбия ҳам энг муҳим фанлардан бири эканини яқинда ўқим «Дада, волейбол майдонининг узунлиги, тўпининг оғирлиги қанча бўлади, неча киши ўйнайди?» дея берган саволига жавоб тополмай изза бўлаганимдан кейин англадим. Ўқитувчимни «эсладим». Балки, жисмоний тарбия яхши ўтилмагани учун ҳам мактабимиздан бирорта чемпион чиқмагандир?!

нирлар, мусобақалар ўтказилиб туради. Бундай мусобақалар орқали янги-янги истеъдодлар кашф этилмоқда. Ўқувчилар туман, шаҳар ва республика мусобақаларида медалларни кўлга киритаётгани ана шу эътиборнинг самараси.

Бугунги кунда ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши, болаларнинг соғлом вояга етиши, чемпион бўлиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани барчамизга аён. Деярли барча умумтаълим мактабларида спорт заллари қуриб берилган, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Шу каби имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқувчиларни соғлом турмуш тарзи сари бошлаётган мураббийлар билан бир қаторда бу шароитларга эътиборсиз бўлган жисмоний тарбия

РИШОДДАН ДАСТЛАБКИ ОЛТИН

Жорий йилнинг 16—18 октябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида дэюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик ҳалқаро турнир бўлиб ўтди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, дэюдо бўйича Гран-при турнирлари йил мобайнида жаҳоннинг ўн та мамлакатиде бўлиб ўтади. Қувонарлиси, ана шу рўйхатга Тошкент шаҳри ҳам киритилган.

Бу йилги мусобақаларда 42 мамлакатдан 282 нафар (уларнинг 140 нафари хотин-қизлар) полвон 14 вазн (7 вазн тоифасида эркеклар, 7 вазн тоифасида хотин-қизлар) тоифасида гиламга чикди. Беллашувларда 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун рейтинг очколари ўйналгани ҳар бир курашнинг қизгин ва мурасасиз ўтишини таъминлади.

Мусобақаларнинг илк куни эркеклар ўртасида 60 ҳамда 66 кг. вазн тоифаларида, аёллар ўртасида эса 48, 52 ва 57 кг. вазнда голиб ва совриндорлар номи аникланди. Ҳозирча қизлар жамоамиз ютукқа эриша олгани йўқ.

Эркеклар ўртасидаги беллашувларда эса бир қатор муваффақиятлар кузатилмоқда. Ёнгил — 60 кг. вазн тоифасида финалгача етиб борган Дийрбек Ўрозбоев ҳал қилувчи паллада мўғулистонлик А.Дашдавага имкониятни бой бериб, қумуш медаль билан чекланди.

Дастлабки қувончи хабар қаҳрамони — икки қарра Олимпия ўйинлари совриндори, икки қарра жаҳон чемпиони Ришод Собиров бўлди. 66 кг. вазн тоифасида иккинчи даврдан курашга киришган иқтидорли полвонимиз аввал италиялик Э.Вердини енгди. Чорак финалда беларуслик Д.Шершаннинг курагини ерга теғизди. Ҳал қилувчи баҳс йўлланмасини тақдим этувчи ярим финал беллашувиде ҳамюртимиз россиялик Д.Лаврентиевни доғда қолдирди. Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар бошланди — финал! Ришод Собиров мўғулистонлик Алтансук Довдонга қарши гиламга чикди. Жанг давомида Ришод икки марта «вазари» баҳоси билан Гран-при голиби бўлди.

Шунингдек, Гран-прининг иккинчи куни бўлиб ўтган баҳсларда -81 кг. вазнда майдонга тушган ҳамюртимиз Шаҳзод Собиров бронза медалини кўлга киритди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

ЁШЛАРИМИЗ ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Футбол бўйича ёшлар (U-19) ўртасида Мьянмада давом этаётган Осиё чемпионатида ярим финал иштирокчилари номи маълум бўлди. Унда муваффақиятли қатнашаётган ҳамюртларимиз чорак финалда «А» гуруҳида биринчи ўринни олиб, плей-оффга чиққан Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушди.

Хабарингиз бор, «В» гуруҳидан ўрин олган Равшан Ҳайдаров шогирдлари сўнгги турда Австралия терма жамоасига қарши куч сынашиб, жанговар дуранга (1:1) имзо чекканди. Гарчи БАА ёшлари билан тенг очко (5тадан) тўлаган бўлса-да, гуруҳдан иккинчи бўлиб чиққан ёшларимиз Таиланд футболчиларига рўбарў келди.

Таиланд терма жамоаси бош мураббийи Сасом Побрасет эса муҳим ўйин арасидада ташкил этилган матбуот анжуманида ўзбекистонлик ёшларни яққол етакчилик қилиши, шогирдлари эса қарши ҳужум тактикаси асосида ўйнашини яширамди.

Янгон шаҳридаги стадионда кечган баҳсда терма жамоамиз вакиллари ишонч билан қаракатланишди. Учрашувда асосий воқеалар ўзига ҳос ҳимоя кўргонини тиклаган таиландликлар жарима майдонида содир бўлди. Гуруҳ босқичидаги камчиликлардан тегишли хулоса чиқарган ва чорак финал баҳсига янада масъулият билан киришган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси яқунда 2:1 ҳисобида зафар қўчиб, ярим финал йўлланмасини кўлга киритди. Бундан ҳам қувонарлиси шуки, Р.Ҳайдаров шогирдлари келаси йили Янги Зеландияда бўлиб ўтиши белгиланган ёшлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритди. Бу эса ёшларимиз учун тўртинчи мундиал бўлади.

Шунингдек, Япония — КХДР 1:1(5:4 пенальти), Катар — Хитой 4:2, Мьянма — БАА 1:0 натижалари қайд этилди.

Эслатиб ўтаимиз, энди футболчиларимиз 20 октябрь куни КХДР терма жамоасига қарши финал йўлланмаси учун майдонга чиқади.

Гавҳар МАТКАРИМОВА

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ САМАРАЛИ ЎТИШИ

яратилган шароитдан унумли
фойдаланишга боғлиқ

Акамнинг бу гаплари кўплаб ака-опаларимизнинг мактаб йиллари хотирасини уйғотгани рост. Чунки шу шароитга кўникиб қолган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг лаёқатсизлиги, билимсизлиги оқибатида истаклари, орзу-умидлари билан бирга келажаклари ҳам саробга айланган, жисмоний тарбия дарси ўрнига сумкасини орқасига осилтирганча уйига қайтаётган ёки дарсда фахат тўп тепиб чарчаган мактаб ўқувчисининг бундан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Бугун шароит тамоман бошқача. Таълим муассасаларида билим олиб жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун улкан имкониятлар оғушида улғайишмоқда ўқувчилар.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-умумий урта таълим мактаби ана шундай кенг имкониятлар билан таъминланган муассасалардан бири. Илм масканига кириб борар эканмиз, эътиборимизни зарҳал ҳарфлар билан битилган куйидаги сўзлар тортди: **Билимга чанқоқ истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фойдаси тегадиган қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир!**

Мактабда 1161 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларнинг ҳар бири Ўртбошимизнинг ушбу фикрларини ҳар кун ўқийди ва ўзлари учун қандай имкониятлар яратилаётганини дилдан ҳис этади.

Мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Музаффар Мухаммедов билан шароитлар ҳусусида сўхбатлашиб ўтиргандик, кўшни залдан тақ-тук, очко, 6,5, деган овозлар эшитилди. Бу ниманинг товуши экан, деб ўйлаиб турганимни сезди, шекилли, мураббий мени шу томон бошлади.

Турли синф болалари стол тенниси ўйнаётган экан. Бу дарсдан кейин ўқувчиларнинг бўш вақтини маъмул ўтказиш учун ташкил этилган стол тенниси тўғраги бўлиб, қирққа янчи бола машғулотларга жалб этилган. Стол теннисига қизиққанми боис, болалар билан бироз ўйнадим. Уларнинг маҳоратини кўриб, билдимки, бу тўғрақ анчадан бери фаолият юритиб келмоқда.

— Ўқувчилар дарсдан бўш вақтларини 7та спорт тўғрагида ўтказишди, — дейди мактаб директори



ўқитувчилари ҳам учраб туради.

Ўтган ўқув йили бошларида Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси томонидан таълим муассасаларининг жисмоний тарбия фанидан дарслик ва ўқув методик қўлланмалар, мутахассис ўқитувчилар ҳамда мураббийлар билан таъминланиши, дарсларнинг ўтилиши, спорт заллари ва майдончалари, болалар спортини иншоотларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда ижобий ишлар билан бир қаторда муаммо ва камчиликлар бартараф этилмаган, ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган мутахассислар учраётгани ачинарли ҳол.

Жаҳонгир Жиналиев, Яккасарой туманидаги 48-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси—2014» республика кўрик-танлови голиби:

— Очиги, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг узок йиллардан бери малака оширмаслиги, ўз ишига совуққонлик билан қараб, дахлдорлик ҳиссини сезмаётгани, спорт тўғрақларини номигагина ташкил этганини кўриб ҳамкасбларимдан хафа бўлдим. Хатто айрим мураббийлар томонидан йиллик иш режанинг баҳарилмаслиги, конспектларнинг ёзилмаслиги, жисмоний тарбия дарсларининг номутахассис кадрлар томонидан ўйлаётганлиги мени ажаблантирди. Ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш, спорт зали ёки майдончасининг машғулота тайёрлиги, инвентарларнинг яроқлилигини кўздан кечириш жисмоний тарбия мураббийсининг энг биринчи иши, ҳар кунлик вазифаси бўлиши керак. Мисол учун, майдончанинг оддийгина чегара ва шартли чизиклари чизилмагани, майда тошлар ёки турли буюмлардан тозаланмагани, бу мураббийнинг лоқайдлигидан ўзга нарса эмас.

Бурунги замонлар ўтиб кетди. Бугунги кун ўқувчиси жисмоний тарбия фанини пухта ўзлаштириши керак. Боиси бу фан аввало, болаларни ҳаракатга қорлайди, тартиб-интизомли бўлишга ўргатади. Жисмоний тарбия фанини кўн билан ўзлаштирган ўқувчи соғлом турмуш тарзига интилади.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири


ОЛТИН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

Ҳозир юртимизда айни куз фасли. Мевалару сабзавотлар ғарқ пишган палла. Қаерга бокманг, олтин фаслнинг ранг-баранг неъматларидан баҳраманд бўласиз.

Юнусобод туманидаги 260-мактабда бўлиб ўтган «Ҳосил байрами»да сахий фаслнинг шириндан-шакар мева ва полиз маҳсулотларидан қизиқарли ижод намуналари ясаи бўйича кўргазма ташкил қилинди. Ўқувчиларнинг завқу шавқ билан қовун, тарвуз, қовоқ, олма ва узумдан ажойиб санъат асарлари ясаётганини кўриб куз қувнайди. Айниқса, қовундан ясалган кема, тарвуздан атиргул, қовоқдан сават, сабзавотдан алвон лола, олмадан жўжа ва бодрингдан машина яратилгани барчани қизиқтириб қўйди.

Ўқувчиларнинг ижод намуналари ота-оналар ва ўқитувчилар ёрдамида баҳоланиб, ғолиблар мактаб маъмурияти томонидан тақдирланди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



ЭЗГУЛИК ТҮЛҚИНИ

«Яшил тўлқин» болалар экологик жамғармаси ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик, ахлоқсизлик каби салбий иллатлардан асрашга қаратилган грант совриндори сифатида манзилли ва мақсадли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Лойиҳа доирасида Пахтачи туман халқ таълими муассасалари, туман табиатни муҳофаза қилиш

инспекцияси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Туман таълим муассасаларида «Яшил тарғибот гуруҳи» ташкил этилиб, фидойи педагоглар ва фаол ўқувчилар жалб қилинган. Ноанъанавий усуллардан фойдаланилиб, ёшларнинг экологик маданияти оширилмоқда, соғлом турмуш тарзи тарғиб этилмоқда. Жумладан, «Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир»,

«Нафас ростлаш гимнастикаси» каби амалий тадбирлар ўғил-қизларда чуқур таассурот қолдирди.

«Яшил тўлқин» жамғармаси «Соғлом бола йили» давлат дастури ижросига ҳисса қўшиш мақсадида шу йил март ойида туман миқёсида «Энг намунали МТМ», «Энг намунали тарбиячи», «Энг намунали умумтаълим мактаби», «Энг намунали фан ўқитувчиси», «Энг намунали лицей», «Энг намунали касб-хунар коллежи», «Энг яхши «Яшил тўлқин» сардори», «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали кўча», «Энг намунали оила» каби 22та йўналиш бўйича кўрик-танлов эълон қилди. Ғолиблар халқ таълими ходимларининг анъанавий

август кенгашларида муносиб тақдирланди.

Июль ойида лойиҳа доирасида тумандаги 5-мактабгача таълим муассасаси, 35- ва 38-мактабларнинг ҳар бирида 1,6 сотих майдонда иссиқхона барпо этилди.

Ҳозирда лойиҳа доирасида олти йўналишда кўргазмали қурол вазифасини ўтайдиган баннерлар тайёрлаб, барча таълим муассасаларига етказиш ҳамда улардан тарбиявий соатларда, маънавият дарсларида, оммавий тадбирларда самарали фойдаланишни ташкил этиш йўлидаги саяёҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

О'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Баш муҳаррир Абдусамат РАҲИМОВ

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-1024. Tiraj 39275.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.40 Topshirildi — 23.25

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbachi muharrir:

Abror UMARQULOV.

Navbachi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.